2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 225 (1824), 2026 йил 30 октябрь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ: КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан 29 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси ҳамроҳлигида амалий ташриф билан Анқара шаҳрига келди.



“Этимесгут” аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркия вице-президенти Жавдат Йилмаз ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Анқара шаҳрига келган Президент Шавкат Мирзиёев дастлаб Туркиядаги ватандошларимиз билан самимий мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари юртдошларимиз билан суҳбатлашиб, уларнинг ҳаёти, ўқиши ва келажак режалари билан қизиқди.

— Яна бир бор ватандошларимни кўриб турганимдан хурсандман. Қаерда бўлманглар, бир дақиқа ҳам вақтингизни беҳуда ўтказманглар. Доимо илмга, билим олишга, ўрганишга интилинглар. Бу жонажон Ватанимиз, буюк Ўзбекистонимиз келажагига қўшадиган ҳиссангиз бўлади, — деди Президентимиз.

Мулоқотда ёшларга қаратилаётган эътибор мамлакатимизнинг узоқ истиқболи билан боғлиқ экани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари улуғ аждодларимизнинг илмий мероси ва қадриятлари тикланаётганига тўхталиб, ватандошларимиз Янги Ўзбекистон тараққиётига кўмакдош бўлишига ишонч билдирди.

— Мен ватандошларимизни доимо соғиниб, эслаб юраман. Сизларнинг яхши яшашингиз, Ватанга қайтиб, унинг равнақига муносиб ҳисса қўша олишингиз учун Ўзбекистонда барча шароитни яратишга ҳаракат қиляпмиз. Илм олиш, билим эгаллаш, уй-жойли бўлиш учун имкониятларни кенгайтиряпмиз, — деди Президент Шавкат Мирзиёев ва ватандошларимизга муваффақиятлар тилади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Туркиянинг миллий байрами — Республика куни муносабати билан бутун турк халқини қизғин муборакбод этиб, тинчлик-осойишталик, бардавом тараққиёт ва фаровонлик тилади.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини, хусусан, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда янада мустаҳкамлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда барча даражаларда фаол мулоқотлар олиб борилаётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми, қўшма корхоналар ва авиақатновлар сони изчил ўсиб бормоқда. Ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича мунтазам равишда қўшма тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Томонлар бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича юқори даражадаги кенгашни таъсис этиш, Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишига пухта тайёргарлик кўриш, истиқболли лойиҳалар портфелини кенгайтириш ҳамда янги йўналишлар бўйича амалий ҳамкорликни изчил давом эттириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Етакчилар бўлажак тадбирлар режаси, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған музокаралар якунида Бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича юқори даражадаги кенгашни таъсис этиш тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Бундан ташқари, кўп қиррали ва узоқ муддатли шерикликнинг турли йўналишларини қамраб олувчи икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзоланди. Хусусан:

— Имтиёзли савдо битими доирасида товарлар рўйхатини кенгайтириш тўғрисидаги баённома;

— Ижтимоий таъминот тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ва уни амалга ошириш бўйича маъмурий битим;

— 2022 йил 29 мартда имзоланган давлат чегаралари орқали товарлар ва транспорт воситаларининг ўтиши ҳақида олдиндан ахборот алмашиш тўғрисидаги баённомага ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қўшимча баённома.

Имзоланган ҳужжатлар савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, ишбилармон доиралар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда икки мамлакат фуқароларининг ижтимоий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси ҳамроҳлигида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар делегациялари раҳбарлари ва уларнинг рафиқалари билан биргаликда ТДТнинг Анқара саммити доирасидаги маданий дастурда иштирок этди.

Етакчилар Анқара шаҳридаги “Бештепа” мажмуасида Туркий давлатлар цивилизацияси боғини очиб бердилар.

Боғда ташкил этилган туркий давлатларнинг павильонларида анъанавий ўтовлар ва халқ амалий санъати намуналари намойиш этилмоқда. Улар туркий халқларнинг бой тарихий-маданий ва меъморий мероси, илм-фан ва маърифат соҳасидаги ютуқлари, ўзига хос анъаналари ҳамда ҳозирги даврдаги тараққиётини акс эттиради.

Давлат раҳбарлари туркий халқларнинг ёзма ёдгорлиги ҳисобланган қадимги Ўрхун битикларининг нусхаси билан танишдилар. Шу ернинг ўзида миллий ўйинлар, камончилар ва тарихий либослардаги жангчиларнинг чиқишлари бўлиб ўтди. Шундан сўнг давлат раҳбарлари эман кўчатларини экдилар.

Бундай ташаббуслар тарихий хотира ва маданий меросни асраб-авайлаш, авлодлар ўртасида узвийликни таъминлаш ҳамда маънавий қадриятлари ва анъаналари муштарак бўлган халқлар ўртасидаги биродарлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Шундан сўнг етакчилар “Malazgirt” марказига ташриф буюрдилар. Унинг номи туркий халқлар тарихида муҳим аҳамият касб этган 1071 йил 26 августдаги Малазгирт жангига ишорадир.

Олий мартабали меҳмонларга чавандозлар, акробатлар ва каскадёрлар, шунингдек, ташкилотга аъзо мамлакатлардан келтирилган отлар иштирокида эпик томоша намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммити доирасида “OYAK” компанияси бош директори Мурат Ялчинташни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда Туркия билан стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани, бу жараёнда ишбилармон доира вакилларининг ўрни ва ҳиссаси беқиёс эканини қайд этди.

Мулоқот чоғида туркиялик ҳамкор ҳар бир сармоядор учун катта имкониятлар майдонига айланиб бораётган Янги Ўзбекистонда кимё саноати, геология ва қурилиш соҳаларида қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қизиқиш билдирди.

Шунингдек, Янги Тошкентда турар жой мажмуалари ва ташқи инфратузилма объектлари қурилишида фаол иштирок этишга тайёр эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Evyap Holding” компанияси бошқарув кенгаши аъзоси Ўмер Эвьяпни қабул қилди.

Мулоқот чоғида компания раҳбари Янги Ўзбекистонда турк компаниялари учун яратилаётган қулай шарт-шароит ва тақдим этилаётган кенг имтиёзлар туфайли уларнинг сони йил сайин ўсиб бораётганини қайд этди.

“Evyap Holding” компанияси шахсий гигиена ва косметика маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги бой тажрибасидан келиб чиқиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга тайёрлиги билдирилди.

Учрашувда “OSTIM Global” Ўзбекистон — Туркия саноат зонасида йўлга қўйилаётган янги лойиҳани жадаллаштиришга келишиб олинди. Шунингдек, ишлаб чиқариш учун зарур хомашёни маҳаллийлаштириш имконияти атрофлича кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “EKSIM Holding” компанияси бошқарув кенгаши раиси Эбубекир Тивниклини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари учрашув аввалида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётганини қайд этди.

Мулоқот давомида қайта тикланувчи энергетика, геология ва тоғ-кон саноати, инфратузилма, электромобиллар учун қувватлаш станцияларини ташкил этиш ва озиқ-овқат саноати соҳаларидаги лойиҳаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, мамлакатимизда янги электр узатиш тармоқларини барпо этиш, геология йўналишидаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “Anadolu Group” холдинги бошқарув кенгаши раиси Камилхан Сулейман Язижини қабул қилди.

Учрашувда ушбу компаниянинг салқин ичимликлар ва автомобилсозлик соҳаларида Ўзбекистон бозорига киритган йирик инвестициялари мамлакатимиздаги ислоҳотларга бўлган ишончнинг яққол ифодаси экани алоҳида таъкидланди.

Жумладан, Самарқанддаги “СамАвто” корхонасини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш қувватлари ва экспорт маҳсулотлари ҳажмини кенгайтириш бўйича қўшимча инвестиция лойиҳалари муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида Туркиянинг йирик чакана савдо тармоғини Ўзбекистон бозорига олиб кириш, чорвачилик мажмуасини барпо этиш, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш каби истиқболли йўналишлар ҳам кўриб чиқилди.

30 октябрь куни Ўзбекистон етакчиси Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммити тадбирларида иштирок этади.

“Туркий аср: тилда, фикрда ва ишда бирлик” шиори остида ўтадиган анжуман кун тартибидан устувор йўналишлардаги кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари ўрин олган.

Саммит якунлари бўйича Анқара декларацияси ҳамда ташкилот доирасида амалий шерикликни янада кенгайтиришга қаратилган битимлар тўплами қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига амалий ташрифи давом этмоқда.

ЎзА

ТДТ ДОИРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ВА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРАДИ

Туркиялик экспертлар Туркий давлатлар ташкилотида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда Ўзбекистоннинг ўрни ҳақида

Анқарада бўлиб ўтадиган Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ)нинг 13-саммити арафасида туркиялик олимлар, эксперт ва жамоат арбоблари “Дунё” ААга туркий давлатлар ҳамкорлиги, хусусан, Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги биродарлик муносабатлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Илёс ТОПСАКАЛ,
Туркия Буюк Миллат Мажлиси депутати, профессор:

— Ўзбекистон нафақат Марказий Осиё, балки бутун туркий дунёнинг тарихий, маънавий ва маданий тараққиётида муҳим ўрин тутади. Самарқанд, Бухоро ва Хивада шаклланган илм-фан, адабиёт ва маърифат анъаналари туркий халқлар цивилизацияси ривожига катта таъсир кўрсатган.

Давоми 2-бетда

ХАЛҚНИНГ ҚАЛБИНИ АНГЛАШ ЙЎЛИ

Дунё тарихидаги барча катта цивилизацияларни бирлаштирадиган умумий жиҳатлар бор. Жумладан, инсон капитали, жамиятдаги бирдамлик ва иқтисодий барқарорлик. Мана шу уч жиҳатни тараққиёт формуласи дейиш мумкин. Бир қарашда оддий кўринадиган бу формулани яратиш осон эмас. Бунинг учун тинимсиз меҳнат, кучли сиёсий ирода, бугунги кунни тўғри баҳолаб, келажакни кўра билиш лозим. Муҳими, халқнинг қалбини англаб, уни ортидан эргаштира оладиган етакчи бўлиши зарур.



Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида бажарилаётган ишлар, умуман, янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар ўзида мана шу уч устунни жамлаган. Шу ўринда жорий йил номининг мазмун-моҳиятини қисқача изоҳласак. Халқимиз азалдан барча масалаларга маҳалланинг ўзидан ечим топган. Оқсоқоллар ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилган. Бунда жамиятдаги бирдамлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш иш берган. Масалан, оқсоқолнинг сўзи боис, бойлар иқтисодий аҳволи оғир оилага кўмак берган. Ҳунармандлар йўқсил оилалар фарзандларига тамасиз касб ўргатган. Кўчалар ободлиги, асосан, ҳашар йўли билан бажарилган. Шу боис, “Аҳиллик бор жойда барака бор” деган мазмундаги нақл пайдо бўлган. Яъни ижтимоий бирдамлик орқали иқтисодий барқарорликка эришилган. Иқтисодий ўсиш ўз-ўзидан таълимга, инсон капиталини юксалтиришга хизмат қилади. Шу сабабли маҳаллаларда оқсоқолларнинг обрўси баланд бўлган. Эҳтимол, улар зарбоф чопон киймагандир, аммо масалани жойида ҳал эта олган. Ҳар қандай даврда ҳам мана шундай оқсоқолларга — халқ ичидан чиққан фидойи инсонларга эҳтиёж сезилади. Негаки, айнан улар мамлакатдаги ислоҳотларни жойларда бирдек олға силжишига кўмак беради.

Бу хусусда яна тўхталамиз. Демоқчимизки, ҳаёт, тараққиёт бир жойда тўхтаб турмайди. Янгиланишлар жараёни доим замонавий қиёфада намоён бўлади. Ана шу замонавийлик асл илдизлардан қувват олса, ҳаётбахшлик касб этади.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистоннинг минтақавий мулоқотни ривожлантириш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган ташаббуслари ТДТ фаолиятини янада самарали ташкил этишга хизмат қилади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 30 октябрь, 225-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ТДТ ДОИРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ВА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРАДИ

Бошланиши 1-бетда



Мовароуннаҳр илмий меросининг Анадўли ва Усмонийлар маданиятига таъсирини чуқур ўрганиш умумий тарихимизни янада теран англашга ёрдам беради.

Тарихий меросни асраш билан бирга уни замонавий ҳамкорлик учун асосга айлантириш муҳим. Ўзбекистон ва Туркиянинг таълим, илм-фан, маданият ва савдо-иқтисодий соҳалардаги алоқаларини кенгайтириш, Озарбайжон, Қозоғистон ва минтақанинг бошқа давлатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш транспорт, савдо ва иқтисодиёт ривожига хизмат қилади.

Университетлар, илмий марказлар ва зиёлилар ўртасидаги алоқаларни кучайтириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали туркий дунёнинг халқаро майдондаги салоҳиятини янада ошириш мумкин.



Руҳий ЭРСОЙ,
Аҳмад Жавод тадқиқот институти ректори, профессор:

— Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши қардош халқлар ўртасидаги тарихий ва маънавий яқинликни янги босқичга олиб чиқиш учун муҳим имкониятдир.

Ўзбекистон ва Туркия раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишонч сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарларда шаклланган илм-фан ва маърифат анъаналари билан бутун Туркий дунёнинг умумий тарихий меросида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу меросни асраш ва келажак авлодларга етказиш барчамизнинг вазифамиздир.

ТДТ доирасида транспорт ва савдо йўлакларини ривожлантириш, инвестицияларни кўпайтириш, таълим ва илм-фан бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, туризм ва маданий алмашинувни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Тарихий яқинликни замонавий иқтисодий имкониятлар билан уйғунлаштириш орқали туркий давлатлар халқлар фаровонлигига хизмат қилувчи узоқ муддатли стратегик ҳамкорликни ривожлантиришга интилмоқда.



Айнур ЎЗЖАН,
Анқара университети профессори:

— Қарийб 35 йилдан буён Анқара университетида ўзбек тилидан дарс бераётган мутахассис сифатида Ўзбекистон Президентининг саммитда иштирок этишини катта қувонч билан қарши оламан. Бу ташриф икки давлат ўртасидаги яқинлик ва муштарак маданий меросининг ифодасидир.

Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти, демографик имкониятлари ва бой маданий мероси ТДТ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк сиймолар мероси барча туркий халқлар учун умумий маънавий бойликдир.

Ўзбек тили ва адабиётини тарғиб қилиш, университетлараро ҳамкорликни, талабалар ва олимлар алмашинувини кенгайтириш халқларимиз ўртасидаги яқинликни мустаҳкамлайди. Саммит доирасидаги қарорлар халқлар фаровонлиги, минтақавий барқарорлик ва умумий тараққиётга хизмат қилиши лозим.



Кемал КУРНАЗ,
Туркий дунё фуқаролик жамияти ҳамкорлиги уюшмаси (TÜRKSİT) раиси:

— Ўзбекистон буюк тарих, бой маънавий мерос ва асрлар давомида шаклланган қардошлик рамзидир. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Фарғона, шунингдек, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридий, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур мероси бутун туркий дунёнинг умумий маданий ҳаётида муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонда турк капитали иштирокидаги 2,2 мингдан ортиқ компания фаолият юритаётгани икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар кўламини кўрсатади. Бундай ҳамкорлик янги иш ўринлари яратиш ва мутахассислар салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Давлатлараро келишувлар билан бир қаторда тадбиркорлар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари ҳамда ёшлар ўртасидаги бевосита мулоқотни кенгайтириш зарур.

Ўзбек тили ва адабиётини Туркияда, турк тили ва маданиятини Ўзбекистонда тарғиб қилиш, таълим ва маданий алмашинув дастурларини ривожлантириш муҳим. Халқлар ўртасидаги самимий муносабатлар мустаҳкам биродарликнинг асосидир.



Меҳмет Сейфеттин ЭРОЛ,
“АНКАСАМ” таҳлил маркази раиси, сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор:

— ТДТнинг Анқарадаги 13-саммити глобал беқарорлик ва геосиёсий рақобат шароитида туркий давлатлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун муҳим имкониятдир.

Ўзбекистон ва Туркиянинг яқин муносабатлари нафақат икки томонлама алоқалар, балки бутун Туркий дунё барқарорлиги ва тараққиёти учун ҳам аҳамиятли.

Ўзбекистоннинг минтақавий мулоқотни ривожлантириш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган ташаббуслари ТДТ фаолиятини янада самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Ташкилотнинг келгуси фаолиятида транспорт ва логистика, савдо, энергетика ҳамда рақамли технологиялар устувор йўналишлар бўлиши зарур. “Ўрта йўлак” имкониятларини кенгайтириш, божхона жараёнларини соддалаштириш ва рақамли инфратузилмани ривожлантириш иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлайди.

Шу билан бирга, таълим, илм-фан, экологик дипломатия ва маданий алмашинув соҳаларидаги ҳамкорликка ҳам эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, экологик муаммоларни ҳал этиш борасидаги тажрибаси туркий давлатлар учун фойдали бўлиши мумкин.

Энг муҳими, умумий мақсадлар аниқ режалар, мувофиқлаштирилган ҳаракатлар ва амалий натижалар билан таъминланиши керак.



Халит ҲАМЗАЎҒЛИ,
Кавказ университети доценти, халқаро муносабатлар бўйича эксперт:

— ТДТнинг 13-саммити туркий мамлакатлар ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш учун муҳим имкониятдир.

Мазкур ташкилот бугун маданий яқинликни мустаҳкамлаш билан бирга транспорт, энергетика, савдо ва рақамли технологиялар соҳаларида амалий ҳамкорликни ривожлантирмоқда. Ўзбекистоннинг 2019 йилда ташкилотга тўлақонли аъзо бўлиши унинг салоҳиятини янада оширди.

Ўзбекистоннинг стратегик географик ўрни, иқтисодий имкониятлари ва барча аъзо давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга интилиши умумий ташаббусларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратади. Бунинг учун мавжуд салоҳиятни аниқ иқтисодий натижаларга айлантириш зарур.

Хусусан, “Ўрта йўлак”ни ривожлантириш, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, божхона жараёнларини рақамлаштириш ва техник стандартларни мувофиқлаштириш савдо алоқаларини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Президентининг сунъий интеллект соҳасида ҳамкорлик механизмини яратиш ва “Рақамли туркий йўлак” концепциясини ишлаб чиқиш бўйича таклифлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Уларни амалий лойиҳалар билан қўллаб-қувватлаш киберхавфсизлик, электрон божхона ва қўшма илмий тадқиқотларни ривожлантиришга хизмат қилади.

> **Ўзбекистон 1991 йилда мустақилликка эришгач, икки мамлакат алоқалари янги босқичга кўтарилди. Туркиянинг Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан олиши ва 1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилиши ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор яратди.**



Ножий ЕНГИН,
Туркий дунё стратегик тадқиқотлари маркази (TARSAM) эксперти:

— Ўзбекистон ва Туркия муносабатларининг асосини тарихий яқинлик, муштарак маданият ва маънавий қадриятлар ташкил этади.

Ўзбекистон 1991 йилда мустақилликка эришгач, икки мамлакат алоқалари янги босқичга кўтарилди. Туркиянинг Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан олиши ва 1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилиши ҳамкорлик учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Халқларимиз ўртасидаги яқинлик тил, урф-одат ва адабий меросда ҳам намоён бўлади. Шу боис, университетлар, илмий марказлар ва маданий муассасалар ўртасидаги ҳамкорликни, қўшма тадқиқотлар ва академик алмашинувларни кенгайтириш муҳим.

Ўзбекистоннинг демографик салоҳияти, табиий ресурслари ва стратегик географик ўрни ТДТ доирасидаги ҳамкорлик учун катта имкониятлар яратади.

Туризм, қурилиш, энергетика, савдо, таълим ва технология соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш икки мамлакатнинг иқтисодий имкониятларини бирлаштиради. Ташкилотнинг асосий вазифаси тарихий ва маданий яқинликни амалий ҳамкорлик билан бойитишдан иборат.



Неждет УНУВАР,
Анқара университети ректори, профессор:

— Ўзбекистон ва Туркия муносабатларининг асосини халқларимизни бирлаштирувчи тарихий илдизлар, муштарак қадриятлар ва самимий биродарлик ташкил этади.

Хива, Урганч, Бухоро, Самарқанд ва Тошкентга ташрифларим давомида бу яқинликни янада чуқур ҳис қилдим. Айниқса, ўзбек ёшларининг одоб-ахлоқи, муомала маданияти ва миллий қадриятларга ҳурмати катта таассурот қолдирди. Тилларимизнинг яқинлиги ҳам халқларимизнинг бир-бирини англашида муҳим ўрин тутади.

Таълим, илм-фан, маданият ва ёшлар алмашинуви соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш зарур. Анқара университети ва Ўзбекистон таълим муассасалари ўртасида қўшма тадқиқотлар ўтказиш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинувини ривожлантириш янги имкониятлар очади.

Университетимиз туркий дунё, хусусан, Ўзбекистон билан ушбу йўналишлардаги алоқаларни мустаҳкамлашга тайёр. Муштарак келажагимиз ўзаро ишонч ва биродарлигимизни янада ривожлантиришимизга боғлиқ.

ТДТ саммити ҳақида тўхталадиган бўлсам, ушбу йиғилиш қардош мамлакатлар ўртасидаги тарихий ва маданий яқинликни амалий ҳамкорлик билан бойитишига ишонаман.

Энг муҳими, ТДТ доирасидаги стратегик шериклик ва муштарак мақсадлар умумий тараққиётимизни янада юксалтиради

“Дунё” АА
Анқара шаҳри

Йўлчирок

Термизлик Элдор Мустафоқулов яқин-яқингача муаммо ва ташвишлар гирдобида яшар эди. Бугун у сингари турли ҳудуддан келган 18 юртдошимизни бир манзил, бир муҳит бирлаштирган. Улар бу ерда бир оиладек суҳбатлашади, машғулотларда қатнашади, бирга қувонади. Муҳими, энди ўзларини керакли ва эътибордаги инсон сифатида ҳис қиляпти. Уларни бирлаштирган манзил — “Меҳр даргоҳи”.

ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТ — МЕҲР, ЭЪТИБОР ВА АДОЛАТ ТИМСОЛИ

Баъзан бир оиланинг ҳаётида ўзгариш қилиш учун жуда кўп нарса шарт эмас. Кимгадир бир кунлик кўмак, яна кимгадир бир неча соатлик хотиржамлик, бошқа бировга эса ўзини керакли инсон сифатида ҳис қилиш имконияти кифоя. Мамлакатимизда ижтимоий хизматларни аҳолига яқинлаштириш сиёсати халқимизга ана шундай имкониятлар эшигини очмоқда. Хусусан, сўнгги 3 йилда бу каби ижтимоий хизматлар сони 23 тадан 140 тага етди. Ҳар йили маҳаллалар даражасида қарийб 2 миллиондан ортиқ ана шундай хизмат кўрсатилмоқда.

Яқинда Термиз шаҳрида илк бор “Янги кун” номли кундузги қатнов асосида қараб туриш хизмати фаолияти йўлга қўйилди. Уни термизлик Сабоҳат Ҳасанова ташкил этган. Мазкур хизматга ҳозир ногиронлиги бўлган 18 шахс қамраб олинган. Бу ерда уларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, кун давомида турли машғулотлар ўтилади. Масаланинг яна бир жиҳати бор. Доимий парваришга муҳтож инсоннинг оила аъзолари ҳам ўз ҳаётини давом эттириши керак. Улар фарзанд тарбияси, уй юмуши билан шуғулланади. Шунинг учун кундузги қатнов асосидаги қараб туриш хизмати фақат ундан фойдаланаётган шахсга эмас, балки бутун оилага кўмак беради.

Бу марказ хизматидан фойдаланаётган шахслардан кўпининг нутқида нуқсон бор. Бу ерда уларнинг нутқини ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратилади.

— Бундай марказларда парваришлаш ва ривожлантириш масаласига оддий машғулот сифатида қараб бўлмайди. Чунки инсоннинг ўз фикрини ифода этиши, хоҳишини билдириши, аввало, мулоқот имкониятига боғлиқ. Нутқидаги нуқсон эса баъзан инсоннинг ўзига ишончига ҳам таъсир қилиши мумкин. Шу боис, машғулотларимиз ижтимоийлашувга катта ҳисса қўшади, — дейди логопед Шаҳзода Маматқориева.

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 27 апрелдаги “Руҳий ҳолати бузилган ногиронлиги бўлган



шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида ўртача, оғир ва чуқур даражадаги деменсия ташхиси қўйилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун оилавий муҳитга яқин шаклдаги “Янги кун” кундузги қараб туриш хизмати йўлга қўйилиши белгиланган эди. Ҳозир шу асосда мамлакатимизнинг турли ҳудудида кундузги қараб туриш хизмати кўрсатиляпти.

Сурхондарё вилоятида ҳозиргача “Янги кун” хизматини ташкил этиш истагидаги 26 тадбиркордан ариза қабул қилинган. Уларнинг 11 нафари билан келишув имзоланган. Хизматдан фойдаланиш истагидаги фуқаролардан эса 347 та ариза келиб тушган. Бу рақамларнинг ҳар бири ортида инсон тақдири турибди. Шу боис, йил якунигача яна 20 тадбиркор билан битим тузиш ҳамда 18 ёш ва ундан катта ногиронлиги бўлган 350 дан ортиқ шахсни хизматга қамраб олиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимининг ҳақиқий самараси рақамлардагина эмас, инсонлар ҳаётида акс этяпти. Ногиронлиги бўлган инсон уйдан чиқиб, бошқалар билан мулоқот қилиши, янги машғулотларни ўрганиб, ўзини жамиятнинг бир қисми сифатида ҳис қилса, ана шу натижа бўлади. Шу маънода, “Янги кун” номи ҳам бежиз танланмаган. Зеро, баъзан инсон ҳаётидаги янги кун катта ўзгаришлардан эмас, унга берилган оддий имкониятдан бошланади. Инсон қадри эса унинг эҳтиёжини ҳис қилиб, жамиятда ўз ўрнини топишига шароит яратишда намоён бўлади. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Сурхондарё вилояти бошқармаси тасарруфида ташкил этилган кундузги парвариш муассасалари ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Уларга 3 ёшдан 18 ёшгача ногиронлиги бўлган, алоҳида парвариш ва эътиборга муҳтож болалар қабул қилинади.

— Кундузги парвариш муассасаларида болалар кун давомида малакали тарбиячилар назоратида бўлади. Уларнинг жисмоний ва ақлий қобилиятини ривожлантириш, ижтимоий кўникмаларини шакллантиришга қаратилган машғулотлар ўтказилади. Муҳими, тенгдошлари билан мулоқот қилиш кўникмаси шакллантирилади, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Сурхондарё вилояти бошқармаси ходими Маржона Тошмуродова. — Умуман, муассасаларда тарбияланувчиларнинг кун тартиби мазмунли ташкил этилган. Улар ўз вақтида овқатланиши, дам олиши учун ҳам етарли шароит яратилган.

Муҳим жиҳатлардан бири шуки, мазкур муассасалар ота-оналар учун ҳам катта қулайликдир. Хусусан, муассаса ходимлари ҳар куни эрталаб соат 08:00 да болаларни қабул қилиб олади. Кечки соат 17:00 да эса улар яна муассаса ходимлари томонидан уйларига етказиб қўйилади. Бу фарзандига доимий парвариш талаб этиладиган ота-оналар учун муҳим кўмак. Чунки улар боласининг хавфсизлиги ва парваришидан хотиржам бўлган ҳолда меҳнат фаолияти ёки бошқа кундалик ишлари билан шуғулланиш имкониятига эга.

Биргина мисол. Денов туманидаги Қайтмас маҳалласида ногиронлиги бўлган болалар учун кундузги парвариш муассасаси ташкил этилган. Эътиборли жиҳати, ушбу муассаса нафақат болалар, балки уларнинг ота-оналарига ҳам кўмак бермоқда. Жумладан, шу маҳаллада яшовчи Маҳбуба Тўрахонова фарзандидаги ногиронлик туфайли уни уй шароитида ёлғиз ўзи парваришлаб келарди. Шу боис, боласини ташлаб, бирон жойда ишлай олмасди. Кундузги парвариш муассасаси Маҳбуба Тўрахонованинг ҳаётида муҳим ўзгариш ясади. У мазкур муассасага ишга қабул қилинди. Бугун аёл муассасада ўз фарзанди билан бирга алоҳида парвариш ва эътиборга муҳтож яна 6 болага ғамхўрлик қилмоқда.

— Тарбиячилик оддий касб эмас. Буни, айниқса, мен каби ногиронлиги бўлган фарзанд тарбиялаётган оналар яхши билади. Бундай болаларнинг эҳтиёжи, уларга қандай муносабат зарурлиги ва бир оғиз ширин сўз ҳам қанчалик муҳим эканини яхши биламан. Марказнинг очилиши фарзандим иккимизнинг ҳаётимизни буткул ўзгартирди. Қувончлиси, ўғлимда ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Сўзларни айта бошлади, ҳаракатлари яхшиланган, — дейди Маҳбуба Тўрахонова.

Муассасага кириб келар экансиз, аввало, болаларга кўрсатилаётган меҳр ва ғамхўрлик, улар учун яратилган қулай муҳит кишининг эътиборини тортади. Бу ерда болалар кун давомида тарбиячилар қарамоғида бўлади. Шу жараёнда турли машғулотлар орқали жисмоний фаоллиги оширилади. Тадбиркор Бахтиёр Бобожоновнинг ташаббуси билан очилган муассасада ногиронлиги бор болалар учун зарурий барча шарт-шароит яратилган. Ҳозир Денов туманида бешта ана шундай кундузги парвариш муассасаси фаолият юритмоқда.

Давлат томонидан имконияти чекланган фуқаролар, ёш авлод вакиллари учун фойдаланишга топширилаётган марказларнинг аҳамияти жуда катта. Шунга монанд аҳоли вакиллари ҳам яратилган шароитлардан руҳланиб, катта мақсадлар сари дадил ҳаракат қилмоқда.

Денов тумани Нуристон маҳалласида яшайдиган Сундур Жумаев болалигидан полиомелит хасталигидан азият чекиб келади. У шу хасталик туфайли 1-гуруҳ ногирони бўлиб қолган. Айни пайтда унинг қарамоғида вояга етмаган 2 фарзанди ва турмуш ўртоғи ҳам бор. 2018 йилгача бу оила вакилларининг муқим уй-жойи бўлмаган. Оила учун туман ҳокимлиги 2 сотих ер ажратгач, ҳомий ташкилотлар томонидан уй-жой қуриб берилган. Улар ижтимоий реестрнинг давлат таъминотидаги оила тоифасида туради. Шу асосда ногиронлик аравачаси берилган, болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинланган,



электр энергияси ва табиий газ учун компенсация тўланади.

Оиланинг уй-жойи Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси томонидан ногиронлиги бор шахсларга мослаштирилган, қулай шарт-шароит яратилиб, таъмирлаб берилган. Бунга Президентимизнинг “2026 йилда ҳудудларни янгича ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали аҳоли даромадини ошириш, барқарор иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асос бўлиб хизмат қилди.

Бугун бу оила вакиллари давлатимиз кўрсатаётган ғамхўрликдан мамнун. Асосийси, оила вакилларининг кундалик эҳтиёжи ҳам эътибордан четда қолмаган. Маҳалланинг ички имкониятлари ва ҳомийлик маблағлари ҳисобидан уларга озиқ-овқат маҳсулотлари, фарзандларига кийим-кечак ҳамда мавсумий моддий ёрдамлар берилмоқда. Муҳими, бу кўмак бир марталик тадбир сифатида эмас, балки инсон ҳаётини яхшилашга қаратилган манзилли ва тизимли иш сифатида бажарилмоқда.

Асосийси, оила вакиллари боқиманда бўлиб қолмаган. Улар оилавий бизнесни йўлга қўйган. Хонадон аъзоларининг бўш вақти йўқ. Сундур Жумаев ҳам бу юмушга улуш қўшади. Оила ширин суҳбат асносида бир даврада сурма тайёрлайди. Асосий харидорлар эса Фарғона водийси ва Қирғизистондан келади. Бир ойлик даромад харидорларнинг талабига қараб, 7 миллиондан 10 миллион сўмгача бўлади. Шунинг ўзиёқ ижтимоий хизматни халққа яқинлаштириш жамиятда ишончни, ижтимоий фаолликни ошираётганидан далолат.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири





> Маҳаллаларга янги Ўзбекистон нафасини олиб кириш учун белгилаб берилган айрим жиҳатларни санаб ўтсак. Жумладан, маҳаллаларда 100 мингта янги иш ўрнини яратиш учун 10 мингдан зиёд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаси ишга туширилади.

ХАЛҚНИНГ ҚАЛБИНИ АНГЛАШ ЙЎЛИ



Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар ҳам айнан шу илдизлардан андоза олиб, замонавий қувват, янгича руҳиятда кечяпти. Буни Президентимизнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислоҳотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги фармони, унинг мазмун-моҳияти таҳлилида ҳам кўриш мумкин.

Шу ўринда маҳаллаларга янги Ўзбекистон нафасини олиб кириш учун белгилаб берилган айрим жиҳатларни санаб ўтсак. Жумладан, маҳаллаларда 100 мингта янги иш ўрнини яратиш учун 10 мингдан зиёд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаси ишга туширилади.

Камбағаллик ва ишсизликдан холи маҳаллалар сонини 3,5 мингтага етказиш назарда тутилган. Муҳими, маҳаллалардаги муаммоларни бир вақтнинг ўзида тезкор ҳал этишда барча давлат органларига масъулиятни юклаб, ижрони 24/7 режимда онлайн назорат қилиш амалиётини йўлга қўйиш кўрсатилган. Қолаверса, маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштиришга 20 триллион сўм ажратилиб, уларга янги Ўзбекистон қиёфаси олиб кирилмоқда.

Мамлакатимиз етакчиси белгилаб берган мана шу тўртта вазифа юқорида қайд этганимиз тараққиёт формуласига мос тушади. Масалан, инсон капиталини юксалтириш ҳақида тўхталсак. Таъкидланганидек, маҳаллаларда янги иш ўринлари яратишга жиддий эътибор берилмоқда. Бунинг учун тадбиркорларга кенг йўл очилиб, маҳаллада ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтириляпти. Шу орқали аҳоли ишли бўляпти. Ўша иш ўрнига муносиб бўлиши учун аҳоли, хусусан, ёшлар ва хотин-қизлар касбга бепул ўқитиляпти. Негаки, улар жамиятнинг заиф қатлами. Ана шу қатлам мустаҳкам бўлса, мамлакатдаги ижтимоий муҳитда барқарорлик устувор бўлади.

Биргина мисол, Навоий вилоятининг Нурота туманидаги Амир Темур маҳалласида яшайдиган Нигина Каримовага “маҳалла еттилиги” ёрдам бергач, уйида асаларичилик ва новвойликни йўлга қўйган. У имкониятдан куч олиб изланди, ишлади. Натижада маҳаллада тажрибали тадбиркор деган ном қозонди. Бугун Нигина Каримова тадбиркор бўлиш истагидаги маҳалладошларига ёрдам беряпти. Бу бир қарашда жуда оддий мисол. Аммо уни таҳлил этсангиз, жуда катта ҳаётий ҳақиқатлар ўртага чиқади. Нигина Каримова рўзғорини юритишга қуввати йўқ, қийналган юртдошларимиздан бири эди. “Маҳалла еттилиги” унинг иш бошлаши учун шароит яратиб берди. Уйига бориб вазиятни ўрганди, тадбиркорлик қилмоқчи бўлса, ёнида туришини айтиб, унга ишонч кўрсатди. Натижа эса кутилганидай бўлди. Таъкидланганидек, энди бошқаларга шу йўлда кўмакчи бўляпти. Бир фуқарога кўрсатилган тўғри йўл, берилган ёрдам ислоҳотларнинг занжирли равишда изчил давом этишига сабаб бўлмоқда.

Қорақалпоғистоннинг Нукус туманидаги “Biogumus” фермер хўжалигида помидорни табиий шароитда қуритиб, экспорт қилиш йўлга қўйилган. Ушбу корхонада ишлаётганлар ёшлар ва хотин-қизлар. Улар аввал касб ўрганиб, кейин ишли бўлмоқда. Шу орқали малакали кадрлар сафи кенгайиб, иқтисодий барқарорлик таъминланяпти.

Қорақалпоғистонлик тадбиркорларга алоҳида эътибор берилиб, имтиёзлар тақдим этилгач, катта ютуқлар кўрина бошлади. Улар аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қиляпти. Бунинг замирида ҳам аслида маҳаллага берилган эътибор, яратилган кенг имкониятлар бор.

Шу ўринда яқин тарихимиз ёдга тушади. Маҳалла тизимидаги тарихий илдиз муайян муддат аслиятидан узилиб қолган эди. Собиқ шўро тузумида маҳалла марказга хизмат қиладиган, мафкурасини тарғиб этадиган идорага айланганди. Маҳалла аҳолига кўмакчи эмас, уларни назорат қиладиган тузилма эди. Ўзини ўзи бошқариш хусусияти буткул чекланганди. Ҳозир бу ҳақида кўп таъриф келтириб вақтни олмоқчи эмасмиз. Мустақиллик сабаб маҳалла тизими ўша қолипдан чиқарилди. Ўзини ўзи бошқариш вазифаси қайтарилди. Лекин имконияти чекланганича қолиб кетди. Яқин йилларда ҳам маҳалла фаоллари раис билан бирга имтиёзли нархда киши бошига граммлаб ўлчаб бериладиган ёғ ва ун тарқатарди. Бугун ёшлар бунга ишонмайди, лекин биз маҳалла идораси ёнига бориб, арзонроқ нархда ўн беш кило ун оламиз деб, ярим кунлаб навбатда турганмиз.

Бу борада ижтимоий адолат ҳақида айтиш зарур. Ўша арзонлаштирилган ун ва ёғни маҳсулот тарқатилаётган куни чўнтагида пули бор одамгина оларди. Камбағалларга, ижтимоий кўмакка муҳтожларга алоҳида эътибор деган қараш йўқ эди. Оқибат бу имтиёздан ҳам кўп ҳолларда бойлар фойдаланарди. Ҳа, расмий равишда камбағал йўқ эди. Лекин имтиёзли нархдаги ун ва ёғни сотиб олишга ҳам қурби етмайдиган инсонлар билан ёнма-ён яшардик...

Янги Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг илк кунлариданоқ маҳаллаларга хотин-қизлар ва ёшлар масаласини ўрганиш учун ходимлар бириктирилди. Бу саф аста-секин кенгайиб, мутлақо янги ва замонавий тузилма — “маҳалла еттилиги” вужудга келди. Улар уйма-уй юриб, аҳолининг асл вазиятини ўрганиб, масалаларга жойида ечим топмоқда. Кимдир тадбиркорлик қилмоқчими, марҳамат, кредит олиб берилади. Заруратга қараб ускуна ва дастгоҳлар бепул тақдим этилади. Токи иши юришиб кетгунча ҳар жиҳатдан кўмаклашади. Томорқада маҳсулот етиштирмоқчи бўлса, уруғидан тортиб, маҳсулотни сотишгача бўлган жараённи қамраб олган тизим ишлайди. Шу боис, маҳалла драйвери белгилаб олинмоқда. Ижтимоий ёрдамга муҳтож шахсларга тиббий, ҳуқуқий, иқтисодий, психологик ёрдамлар бепул берилади. “Еттилик” қадимдаги оқсоқоллар бажарган ишни қўлга олган. Масалани маҳалладан чиқмай, жойида ҳал этяпти. Бу қадимий илдизлардан куч олиб, янги, ҳаётбахш тизим яратиш дейилади!

Ҳа, “еттилик” тизими жорий этилгач, кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдам ажратиш каби 100 дан зиёд хизмат маҳалла даражасига туширилди. Натижада маҳалла аҳолига амалий ёрдам берадиган тизимга айланди. Манзилли ишлар кўлами кенгайгач, Халқ қабулхоналари ва ҳокимликларга ижтимоий хизмат ҳамда ёрдам масалалари бўйича мурожаатлар 35 фоиз камайган. Шунинг ўзиёқ янги тизим масалаларни жойида ҳал этаётганини кўрсатади. Жорий йилдаги ишлар сабаб мазкур 35 фоиз кўрсаткич янада ошиши табиий.

Таъкидлаганимиздек, Президентимиз фармони билан маҳаллаларда 100 мингта янги иш ўрни яратиш белгиланган. Новоийлик Нигина Каримова ва помидорни қайта ишлаб, хорижга сотаётган нукуслик ёш тадбиркор Шерзод Ниязимбетов каби юртдошларимиз ана шу рақамлар ортиғи билан бажарилишига ҳисса қўшмоқда. Улар каби қаҳрамонларни юртимизнинг исталган ҳудудида топиш мумкин. Чунки бугун ҳар бир маҳалланинг ўз тадбиркорлари бор!

Кечаги кунимиздан бир лавҳа келтирсак. Илгари маҳаллада тадбиркорлар жуда кам эди. Айниқса, олис қишлоқларда тадбиркорлик масаласи оғриқли нуқта эди. Ёдимда, қишлоғимизда саноқли икки-учта дўкон бўларди. Ҳар ой солиқ текширувлари сабаб ўша дўконлар ҳам ҳафта-ўн кунлаб очилмасди. Ноқонуний савдо учун дўконга муҳр уриларди. Қонуний ишлаш учун эса тўсиқлар кўп, олинадиган солиқ миқдори баланд эди. Бу эса дўкондаги нархларга таъсир қилар, айни жиҳат савдо камайишига олиб келарди. Бугун ўша маҳаллада ўнга яқин дўкон бор. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш нуқталари очилган. Чекка қишлоқ дейилган манзилда каттагина ошхона, новвойхона ишлаяпти. Бунинг барчаси иш ўрни, даромад дегани. Ана шу ишлар натижасида камбағаллик ва ишсизликдан холи маҳаллалар сони янада ошиб боряпти. Самара аллақачон кўрина бошлади. Буни Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги Чим маҳалласи мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ушбу ҳудудга “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” мақоми берилди. Мазкур дастур асосида Чимнинг инфратузилмаси тубдан янгиланди. Масалан, ҳудудда 240 ўринли болалар боғчаси, маҳалла ва ёшлар марказлари, истироҳат боғи барпо этилган. Мана шунинг ўзиёқ иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизда жуда катта аҳамиятга эга. Болалар боғчасини олайлик. Оналарнинг бола тарбиясидан вақт ажратиб, бошқа юмуш билан машғул бўлиши қийин. Боғчалар кўпайиши оиланинг ижтимоий муҳитига жуда катта ижобий таъсир кўрсатади. Аввало, бола ўз вақтида билим ва кўникмаларга эга бўлиб камол топади. Қолаверса, аёллар бемалол ишлаши мумкин бўлади.

Бир пайтлар олис Чим маҳалласида аҳоли бориб ҳордиқ чиқарадиган бирор манзил йўқ эди. Истироҳат боғи шу масалага ечим бўлди.

Кейинги йилларда қишлоқларда ҳам соғлом турмуш тарзига амал қилиш учун кечки сайрга чиқиш, пиёда юриш одатий ҳолга айланиб боряпти. Бундай сайрлар оилавий суҳбатларга, гурунглар эса бир-бирини тушунишга сабаб бўлади. Бунинг учун кўплаб маҳаллаларда пиёдалар учун хавфсиз йўлаклар қурилляпти. Улар қуёшдан қувват олиб ишлайдиган чироқлар билан ёритилмоқда. Йўллар асфальт қилиниб, хизмат кўрсатиш нуқталари яратиляпти. Булар ҳам қўшимча иш ўрни, халқимиз учун қулайлик дегани.

Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида драйвер соҳалар белгилаб олинаётир. Чим маҳалласи мисолида ҳам буни кўришимиз мумкин. Ҳудуднинг тарихий илдизлари, аҳолининг йиллар давомидаги кўникмаларидан келиб чиқиб, янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, Чимда гиламчилик ва каштачилик корхонаси очилган. Банклар кўмагида 20 га яқин хонадонда умумий майдони 36 сотихли иссиқхоналар, етиштирилган маҳсулотни сақлаш учун эса 200 тонналик музлаткич қурилган. Натижада 80 дан ортиқ ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланган. Маҳаллада кооперация асосида лимончилик йўлга қўйилган. Бунинг учун аҳолига кўчат, ўғит ва агротехник хизматлар етказиб берилади. Тайёр ҳосил эса кафолатланган нархда сотиб олинади. Ҳа, ҳатто хорижлик харидорлар Чим каби олис манзилларда етиштирилган маҳсулотни тўғридан тўғри сотиб оляпти.

Умуман, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Демоқчимизки, бу ишлар маҳалла тизимидаги янгиланишлар сабаб ўз вақтида самарали амалга оширилляпти. Яъни маҳаллаларга банкирлар ва солиқ органлари ходимлари бириктирилди. Бир пайтлар солиқчининг машинаси кўринса, дўконини ёпиб қочган ишбилармонлар бугун уларнинг тавсияси, кўмаги билан иш қиляпти. Баъзан ўша солиқчилар маҳалладаги имкониятларни ўрганиш учун тадбиркорлардан маслаҳат оляпти. Буни бир сўз билан ижтимоий бирдамлик дейишади!

“Маҳалла банкирлари” эса аҳолининг даромад манбаларини аниқлаб, тадбиркорлик лойиҳаларини ишлаб чиқяпти. Кредит ресурсларидан фойдаланишга кўмаклашяпти. Шу жараёнда инфратузилмани ривожлантириш учун эса алоҳида маблағ ажратилмоқда.

Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида устувор йўналишлар бўйича ислоҳотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури ижроси доирасида маҳаллада аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари амалиётга татбиқ этилмоқда. Бугунги фуқароларнинг маҳаллий даражадаги қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини кенгайтириш мақсадида “Маҳаллам — лойиҳам” дастури амалиётга жорий этилди. “Рақамли маҳалла” платформасида унинг махсус модули ва мобил иловаси ишга туширилди. Ушбу дастур доирасида “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги туман (шаҳар)” мақоми бериладиган 33 туман (шаҳар)даги 1609 маҳаллада “маҳалла еттилиги” ва фаоллар иштирокидаги муҳокамалар натижасида 1390 та лойиҳа шакллантирилди. Ғолиблар эса бевосита аҳолининг овози асосида аниқланди. Натижада 33 та лойиҳа ғолиб топилган. Мана шу лойиҳаларда нималар назарда тутилганини ўрганиб, бугун халқимиз маҳалласида қандай ишларни бажариш ниятида яшаётганини билиш мумкин. Эътибор беринг, улар асосан спорт майдончалари, қуёш батареяли кўча ёритқичлари, болалар майдончалари, таълим муассасалари ва кутубхоналарни жиҳозлаш, пиёдалар йўлакчалари, минипарклар ва дарахтзорлар барпо этишга қаратилган лойиҳалар!

Бир пайтлар лой ва чанг аримайдиган кўчамизга тош-шағал тўкайлик дердик. Бугун кўплаб ички йўллар асфальтланди. Энди шу йўлларни ёритиш, мактаб ва боғчаларни кўпайтириш, кутубхоналар очиш ниятида яшаяпмиз. Айни ўринда яна тарихга бир назар солсак.

Ёдимда, маҳалламиз идорасининг эски биноси тадбиркорга сотиб юборилди. Бир муддат маҳалла раиси уйидан туриб ишлади. Сўнг қўшни маҳаллада ишламай қолган дўкон ўрнини эгаллади. Ёғоч деворли бино ҳам кўпга бормади. Тағин сарсонгарчилик бошланди. Шундай кунларнинг бирида маҳалланинг эски биноси ёнидан ер ажратилиб, гузар қурилди.

Ўша даврдаги яна бир оғриқли нуқта. Маҳалла бошқа идораларга маълумотнома берадиган тузилмага айланиб қолганди. Сира ёдимдан чиқмайди. Бир сафар олий таълимга ҳужжат топшириш учун олис воҳадан Тошкентга келдим. Ҳамма ҳужжат қўлимда. Фақат яшаш манзилим ҳақида маҳалладан маълумотнома олмаган эканман. Шу сабаб ҳужжатим қабул қилинмади. Ваҳоланки, паспортимда қайси маҳаллада яшашим ҳақида муҳр бор. Уни туман ички ишлари тасдиқлаган. Лекин унинг қиймати кўчада ёзиб олиш мумкин бир парча қоғозчалик эмас экан. Ана шу маълумотномани олиш учун маҳалла раисини излар, минг тавалло билан маълумотнома олардик. Очиқ гап, ҳар бир маълумотноманинг ўз баҳоси бор эди. Қоғоз пули!

Бундан ташқари, оғир вазиятдаги шахсларга бериладиган нафақа ва ёрдам пулларини ҳам маҳалла раиси ҳал этарди. Давлат хизматларининг катта қисми онлайн кўрсатиладиган бўлди. Маҳалладан маълумотнома олиш буткул бекор қилинди. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими тубдан янгиланди. Аввал ҳар бир хонадон ўрганилган бўлса, энди ҳар бир шахс алоҳида эътиборга олинмоқда. Ота ишлаб яхши даромад олиб келяптими, бўлди деган қараш эскирди. Энди мактабни тамомлаган ўғил нима қиляпти, боласи боғчага бормаётган келиннинг аҳволи қандай деган қарашлар устуворлик касб этмоқда. Мақсад эса битта — халқни рози қилиш!

Самарадорлик амалий натижа билан исботланмоқда. Бунинг учун аниқ режа мустаҳкамлаб олинган. Жумладан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида маҳаллани ривожлантириш 74-мақсад сифатида мустақил устувор вазифа тарзида белгиланган. Унга кўра, маҳалла аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва ҳудудлардаги кундалик масалаларни ҳал этишда жамоатчилик билан давлат органлари ўртасидаги “таянч кўприк”ка айлантирилади. Бу мақсад доирасида аҳоли ташаббуси асосида маҳаллалар инфратузилмасига ажратиладиган маблағ 2030 йилгача 16 триллион сўмдан 24 триллион сўмга чиқарилади. Шунингдек, маҳаллалардаги интерактив киосклар орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 50 мингтадан 1 миллионтага етказилади.

Яна бир муҳим жиҳат. Стратегияда маҳаллаларда 3940 та хотин-қизлар бандлиги ва саломатлик марказини ташкил этиш назарда тутилган. Улар рўзғор ташвиши ва бола тарбияси билан банд аёлларга уйидан узоқлашмай касб ўрганиш, ишга жойлашиш ва соғлиғига эътибор қаратиш имконини беради.

Қолаверса, камида 5 мингта спорт майдончаси барпо этиш, туризм маҳаллалари сонини 140 тага етказиш мақсад қилинган. Очиғи, Тошкентга келгунимча чиқинди махсус техника орқали олиб чиқиб кетилишини билмаганман. Бугун энг чекка қишлоқларда ҳам бу хизмат йўлга қўйиляпти. Стратегиядаги мақсадга кўра, маиший чиқиндиларни олиб чиқиш хизматлари билан маҳалла кесимида қамраб олишни 90 фоизга етказиш назарда тутилган. Бу мақсадлар амалга ошиши натижасида аҳоли кўплаб масалаларини узоққа бормасдан, ўз маҳалласида ҳал қила олади. Хусусан, болалар учун спорт майдончалари пайдо бўлади. Маълумотнома ёки бошқа давлат хизматини олиш учун туман марказига қатнаш шарт бўлмайди. Ҳар бир вазифа учун аниқ рақам ва масъул идора белгиланган. Шу боис, ишлар қандай кечаётгани аниқ кўриниб туради.

Муҳими, ана шу янгиланишлар аҳолининг ўзи билдирган таклиф ва эҳтиёжларга таяниб бажарилади. Мана шунинг ўзиёқ мақоламиз аввалида айтганимиз асл илдизларга таяниб, замонавий имкониятлар яратилаётганини кўрсатади. Мақсад эса эзгу: **инсон қадрини улуғлаш орқали бир бутун халқ, ягона ватан бўлиб бирлашиш!**

Қувонарлиси, ислоҳотлар чиройли рақамлар эмас, самарадорлик, амалий натижа билан баҳоланмоқда. Оддий мисол, камбағалликни қисқартириш борасидаги рақамларни олайлик. Илгари камбағаллик, ишсизлик деган сўзларни ҳатто тилга олиш ҳам мумкин эмасди. Бугун очиқ айтиляпти, камбағаллик даражаси 3 фоиздан паст бўлган маҳалла ва туманлар “камбағалликдан холи” ҳудудлар ҳисобланади. Шунинг ўзиёқ рақам эмас, аниқ натижа учун ислоҳотлар қилинаётганини кўрсатади.

Мақоламиз аввалида дунё цивилизацияларини бирлаштирган уч устун — инсон капитали, бирдамлик ва иқтисодий барқарорлик ҳақида гапирган эдик. Бугун маҳаллалардаги ўзгаришларни кузата туриб, шу уч устуннинг моҳиятини кўргандай бўламан. Назаримда, маҳаллалардаги инфратузилма яхшиланиши, аҳолининг касбга ўқитилиши, янги боғча ва мактаблар инсон капиталини юксалтиришга хизмат қилади. Яъни бу ишлар сабаб камбағаллик камаяди. Ишсизлар сафи қисқаради, халқимиз ўз олдига катта мақсадлар қўяди. Боламни ўқитсам, ўзим энг замонавий касбларни ўргансам дейди. Шу зайилда инсон капитали юксалади. Бу, ўз ўрнида, иқтисодий барқарорликка хизмат қилади. Тўкинлик эса жамиятдаги бирдамликни мустаҳкамлайди.

Маҳалла тизимида нуронийларга катта эътибор берилмоқда, “Бувижонлар мактаби” каби тажрибалар айрим бўшлиқларни тўлдирмоқда. Муҳими, халқни битта ғоя — ватанпарварлик руҳи атрофида бирлаштира олишдир. Шундагина тараққиёт формуласи деганимиз том маънода ўзини оқлайди. Шу боис, бугун маҳаллаларда халқимиз кўнглидаги орзу-умидлар рўёбга чиқмоқда. Зеро, 2026 йил номида маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш мақсадлари жамланишида ҳам ана шундай катта ҳаётий ҳақиқатлар бор!



> Маҳалла тизимида нуронийларга катта эътибор берилмоқда, “Бувижонлар мактаби” каби тажрибалар айрим бўшлиқларни тўлдирмоқда. Муҳими, халқни битта ғоя — ватанпарварлик руҳи атрофида бирлаштира олишдир. Шундагина тараққиёт формуласи деганимиз том маънода ўзини оқлайди. Шу боис, бугун маҳаллаларда халқимиз кўнглидаги орзу-умидлар рўёбга чиқмоқда

Қорақалпоғистонда экиладиган дарахт учта шартга жавоб бериши — шўрга, қишки совуққа ва сув танқислигига чидамли бўлиши лозим. Аҳоли сони ортиб бораётгани (мутахассислар 2050 йилга бориб мамлакатимиз аҳолиси 50 миллионга етишини тахмин қилмоқда) ва иқлим ўзгариши эса озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини янада долзарб қилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 30 октябрь, 225-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Тажриба

ОРОЛБЎЙИДА ОЛХЎРИ ВА ЎРИК БОҒЛАРИ

ҳудуд заминига янги ҳаёт, аҳолига эса барқарор даромад олиб келади





Дилором ЁРМАТОВА, профессор

Оролбўйини узоқ йиллар экологик оғир ҳудуд сифатида тилга олиб келдик. Бугун эса савол бошқача қўйилмоқда: шўр тупроқ ва сув танқислиги шароитида қайси экин барқарор даромад келтиради? Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистонга ташрифи бу саволга аниқ жавоб берди — шўрга чидамли олхўри ва кечки ўрик. Келинг, бу борада Кегейли тажрибасига атрофлича тўхталсак.

Шу йил 18 сентябрь куни Президентимиз Кегейли туманидаги “ADM Agro” корхонасининг интенсив боғи билан танишди. Умумий майдони 330 гектар боғнинг 69 гектарида шўрга чидамли қора олхўри етиштирилмоқда. Томчилатиб суғориш ва ёпиқ дренаж тизими жорий этилгани боис, бу ерда сув сарфи 12 минг литрдан 5 минг литргача, яъни қарийб 60 фоиз камайган. Минерал ўғитларнинг суғориш суви билан бирга берилиши эса дарахтларнинг яхши ўсишига ва шўрга чидамлилигини оширишга хизмат қилмоқда.

Боғбонлар кўчатларнинг қатор орасига помидор экиб, бир майдондан бир мавсумда икки хил ҳосил олмоқда. Мева етиштирилган жойнинг ўзида қуритиш ва қайта ишлаш ускуналари мавжудлиги хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириб, қўшилган қийматни оширади. Корхона тайёр маҳсулотни Хитой, Жанубий Корея ва Россияга экспорт қилиш бўйича шартномалар тузган.

Давлатимиз раҳбари боғдорчилик энг даромадли соҳалардан бири эканини, олхўридан олинадиган даромад пахтачиликдан анча юқорилигини алоҳида таъкидлади.

Уч йилда 30 минг гектар

19 сентябрь куни Нукус шаҳрида давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган йиғилишда бу вазифалар янада аниқлаштирилди. Уч йил ичида Қорақалпоғистонда 30 минг гектар майдонда шўрга чидамли олхўри ва кечки ўрик плантациялари барпо этилади. Шундан 10 минг гектарида ишлар шу йилнинг ўзида бошланади. Ер ажратиш, кафолатли сув таъминоти, иқлимга мос кўчат ва замонавий технологиялар етказиб бериш, тажрибали деҳқон ва агрономларни жалб қилиш, қайта ишлаш қувватларини яратиш кўзда тутилган. Натижада 20 минг аҳоли иш билан таъминланади, мева экспорти уч йилда камида 500 миллион долларга етказилади.

Қорақалпоғистонда экиладиган дарахт учта шартга жавоб бериши — шўрга, қишки совуққа ва сув танқислигига чидамли бўлиши лозим. Аҳоли сони ортиб бораётгани (мутахассислар 2050 йилга бориб мамлакатимиз аҳолиси 50 миллионга етишини тахмин қилмоқда) ва иқлим ўзгариши эса озиқ-овқат хавфсизлиги масаласини янада долзарб қилмоқда.

Олхўри кузда чуқур тиним даврига ўтади, −30 °С гача совуққа бардош беради ва баҳорда эрта уйғонмайди. Ўрик ҳам қишда −30 °С совуққа чидайди, бироқ унинг заиф томони бор – баҳорда эрта уйғониб, кўпинча март ойида барча мевали дарахтлардан олдин гуллайди. Шу боис, қайтар совуқлардан кўп зарар кўради. Ғунчалари −3, −4°С да, очилган гуллар −2°С да, тугунчалар эса −1°С даёқ нобуд бўлади. Қорақалпоғистон учун хулоса битта — тиним даври узун ва кеч гуллайдиган, яъни кечки навларни танлаш керак. Президентимизнинг кечки ўрик экиш ҳақидаги таклифи ҳам айнан шунга асосланган.

Ўрикнинг ватани Марказий ва Шарқий Осиё бўлиб, унинг Сибир ва Манжурия ўриги каби турлари қаттиқ совуққа мослашган. Бунинг амалий исботини ўзим ҳам кўрдим. 2026 йил май ойида кафедрамиз ходимлари билан Орол денгизининг қуриган қисмини кўриш учун сафарга чиқдик. Бир пайтлар улкан денгиз бўлган сув ҳавзаси кичик кўлга айланиб қолганини кўриб, оғир хаёлда қайтдик. Йўлда Устюрт платосидаги манзилда тўхтадик — бу қиши қаттиқ келадиган ҳудуд. Бу ерда



бор-йўғи 33 хонадон қолган, аммо уларнинг бир нечаси ҳовлисида ўрик дарахтлари ўсиб, ҳосил бериб турибди. Ушбу манзара кечки ўрик экиш ғояси нақадар тўғри эканини яна бир бор исботлади.

Ўрикнинг қурғоқчиликка чидамлилигига яна бир мисол: Тошкент — Самарқанд йўлида, Ғаллаорол туманидан Самарқандга киришда йўл ёқасига 1960-йилларда иҳота дарахт сифатида ўрик, хандон писта ва акация экилган. Улар ҳозиргача ўсиб, гуллаб, ҳосил бериб турибди.

Қорақалпоғистон шароити учун энг мақбул навлардан бири —“Субҳоний”. Бу нав нисбатан кеч пишади ва қайта ишлашга жуда мос: пишган меваси ерга тўкилиб эзилмайди, терилмаса, дарахтнинг ўзида қуриб, туршакка айланади. Касаллик ва зараркунандалар билан кам зарарланади, 70-80 йилгача яхши ҳосил беради. Меваси йирик — ўртача 35 грамм, яхши парваришда 60 граммгача етади. Пўсти сариқ-тўқ сариқ, қирмизи қизиллик билан қопланган, эти зич, серсув, бир оз нордон-ширин, мағзи ширин, данаги этидан осон ажралади. Наманганда июннинг иккинчи ярми — июлнинг биринчи ярмида пишса, Қорақалпоғистонда июль ойида пишиб етилади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, “Субҳоний” клонларининг кўпчилиги четдан чангланишга муҳтож, шу боис, боғда гуллаш муддати мос келадиган чангловчи навлар ҳам экилиши шарт. Олхўри ва “Субҳоний” меваларининг пўсти нисбатан қалин бўлгани учун янги узилган ҳолда ҳам ташишга чидайди, тез бузилмайди.

Қанча фойда олиш мумкин?

Ўрикни туп ораси 4 метр, қатор ораси 6 метр қилиб, гектарига 400-460 туп экиш тавсия этилади — бундай қатор оралиғидан техника бемалол ўтади. Олхўри кичикроқ дарахт бўлгани учун зичроқ, гектарига 400-650 туп экилади. Ўртача 3-4 кило ҳўл мевадан 1 кило қуритилган маҳсулот олинади. Масалан, 100 кило янги олхўридан 25-33 кило қуритилгани чиқади. Данаги билан қуритилганда вазн кўпроқ, данаксиз қуритилганда камроқ бўлади.

Тўлиқ ҳосилга кирган “Субҳоний” дарахтидан 35-40 килогача қоқи олиш мумкин. Гектарига 400 туп бўлса, ўртача 20-25 килодан ҳисобланганда 8-10 тонна қоқи олинади. Экспортдаги ўртача нарх 1 кило учун қарийб 1,9 доллар билан ҳисобласак, бир гектардан 16-20 минг долларлар ортиқ тушум демакдир. Дарахтда табиий қуриган органик туршак эса хориж бозорида турига қараб 7,5-15 доллардан сотилмоқда. Бундан ташқари, бир дарахтдан 120-130 килогача мева олиш мумкин.

Экспорт салоҳияти рақамларда

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2025 йилнинг январь-ноябрь ойларида 23,9 минг тонна қуритилган ўрик 56 та давлатга экспорт қилиниб, 45,8 миллион доллар тушум олинган. Бу олдинги йилнинг шу давридагига нисбатан 13,7 минг тонна, яъни икки баробардан ҳам кўп. Асосий харидорлар — Хитой, Қозоғистон, Туркия, Россия ва Украина.

Шу даврда 38,9 минг тонна қуритилган олхўри экспорт қилиниб, 55,3 миллион доллар тушум олинган — бу 2024 йилдагидан 62,9 фоиз кўп.

Ўзбекистон 2023 йилда қуруқ мева ишлаб чиқариш бўйича дунёда иккинчи ўринни эгаллаган. Ҳар йили 650 минг тоннагача ўрик, олхўри ва бошқа мевалар етиштирилиб, 65-70 минг тонна қуруқ мева ташқи бозорга чиқарилмоқда. Жаҳон бозорида чиройли қуритилган, экологик тоза қоқи, туршак ва кайсага талаб юқори — харидор, аввало, маҳсулотнинг ташқи кўриниши ва экологик тозалигига эътибор беради.

Энг заиф бўғин — қайта ишлаш

Афсуски, бизда кўпинча пишган мева нобуд бўлади, қайта ишлаш чала қолади, қуруқ мевани қайта ишлайдиган корхоналар ҳали етарли эмас. Шу боис, плантациялар билан бир вақтда қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш ва маҳаллий аҳолини бу ишга ўргатиш зарур. Тажриба кўрсатадики, одамлар бу ишдан даромад кўрганларидагина уни чин дилдан ўзлаштиради.

Технологлар олдида ҳам катта вазифа турибди: данакли ва данаксиз қоқиларни навига қараб сифатли тайёрлаш, ўрик қоқисини шарбатда консервалаш, маҳсулотни чиройли қадоқлаш. Самарқанд ва Бухоро шўрданаклари асрлар давомида бозорларимиздан кетмайди, бироқ уларни тайёрлаш сирлари ҳанузгача айрим усталар орасида сақланиб келмоқда. Бу ҳунарни тизимли ўрганиб, саноат асосига ўтказиш вақти келди.

Ўрик данаги ҳам қимматли хомашё. Мағзининг ўзини сотиш мумкин: пўсти ажратилган оппоқ мағиздан бодом сутига ўхшаш ўсимлик сути ва косметика маҳсулотлари тайёрланади. Халқ табобатида ўрик данагидан қадимдан фойдаланиб келинади. Покистоннинг Хунза водийси аҳолиси ўрик мағзини нонга қўшиб истеъмол қилади ва узоқ умр кўриши билан машҳур.

Ўрик меваси эса тўйимли ва шифобахш: унинг таркибида 10-12 фоизгача қанд, олма ва лимон кислоталари, пектин, бета-каротин (А провитамини), В гуруҳи, С, Е, К витаминлари, калий, кальций, темир, фосфор, магний каби минерал моддалар мавжуд.

Йирик плантациялар учун миллионлаб кўчат керак. Бу масалани in vitro, яъни лаборатория шароитида кўпайтириш усули ҳал қилади: бир йилда миллионлаб соғлом ва бир хил кўчат етиштириш мумкин. Самарқанд вилоятидаги “Боғбон” in vitro лабораторияси ва республикадаги бошқа лабораториялар бу борада тажриба тўплаган. Бундай кўчатлар иккинчи-учинчи йили ҳосилга киради, 4-5 ёшдан тўлиқ ҳосил беради. Қишлоқ хўжалиги “ақлли” технологияларга ўтаётган бир пайтда олхўри ва ўрик етиштиришни мамлакат миқёсидаги мегалойиҳа даражасига кўтариш мумкин.

Синовни шу кузда бошлаш лозим

Кўчатлар имкон қадар уч йиллик бўлгани маъқул — улар бақувват бўлади ва тезроқ ҳосилга киради. Аслида, кўчатлар кузда экилса, уларнинг илдизлари яхши жойлашиб, баҳорнинг биринчи ёмғири ва қуёшидан дарҳол ўса бошлайди. Қорақалпоғистон совуғини ҳисобга олиб, бу йил уларни тажриба-синов учун кузда бир гектарга экиб кўриш лозим, қолган майдонларга баҳорда экилади. Плантацияларда томчилатиб суғориш йўлга қўйилиши керак, албатта, сув билан минерал ўғитлар ҳам берилади: ёш дарахт ўз вақтида етарли сув ва озиқани олса, меваси йирик ва мазали бўлади.

Хуллас, Оролбўйида боғдорчиликни ривожлантириш занжири қуйидагича кўринишга эга: шўр тупроқни ҳисобга олиш → иқлимга мос нав танлаш → сув тежовчи технология → интенсив боғ → қайта ишлаш → экспорт. Бу ёндашув ресурслар чекланган шароитда ернинг иқтисодий қийматини тиклайди, аҳоли даромадини оширади ва ҳудуднинг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Олхўри ва ўрик бугун Орол фожиасини бошидан кечирган заминга янги ҳаёт, халқимизга эса барқарор даромад олиб келиши мумкин. Ушбу меваларнинг инсон соғлиғига ва оила даромадига ҳиссаси катта бўлади, Оролбўйида баҳор фасллари кўзни қувонтирадиган боғлар гуллаб очилади, ўрик ва олхўри гуллаганини кўриш учун экотуризм ташкил этилади.

Қорақалпоғистонда катта ер мавжуд, эндиликда шу майдондан унумли фойдаланишга ҳисса қўшиш олим, агроном, фермер, мутахассис — ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Ислоҳотлар амалда

ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТ МАНЗИЛИ



Бугун жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар ҳар бир мамлакатни ўз ички имкониятларига янгича қарашга ундамоқда. Халқаро савдодаги чекловлар, геосиёсий зиддиятлар, бозорлардаги беқарорлик ташқи омилларга боғлиқликни камайтириш, ички ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини кучайтириш масаласини кун тартибига олиб чиқмоқда. Бундай шароитда иқтисодий барқарорлик фақат йирик корхоналар ёки катта инвестиция лойиҳалари билан белгиланмайди. Унинг энг ишончли таянчи аҳоли хонадонидаги меҳнат, кичик бизнесдаги ҳаракат ва инсоннинг ўз даромадини яратиш имкониятидир.

Шу нуқтаи назардан, глобал ва миллий миқёсдаги иқтисодий жараёнларни айнан маҳалла даражасида таҳлил қилиш бугун жуда муҳим. Зеро, ҳар бир янги иш ўрни, аввало, муайян ойланинг тўкинлиги ва фаровонлигига хизмат қилади. Маҳаллада фаолият юрита бошлаган кичик корхона эса ўзи билан бирга янги хизмат турлари ва буюртмалар занжирини бошлаб беради. Биргина тадбиркорнинг ўз ишини кенгайтириши ортидан яна бир неча киши учун ризқ эшиклари очилади. Бинобарин, маҳалла бугун шунчаки маъмурий ҳудуд бўлмай, миллий иқтисодиётнинг энг яқин, энг ҳаётий ва тирик нуқтасига айланмоқда.

Бугун юртимизда маҳаллабай ишлаш тизими орқали ана шу имкониятларни жойида кўришга урғу берилмоқда. “Маҳалла еттилиги” ва банклар вакиллари ҳамкорликда хонадонма-хонадон юриб, аҳолининг иш ва тадбиркорликка эҳтиёжини аниқлаш, имкониятини даромад манбаига айлантиришга кўмаклашмоқда. Кимдир иш қидиряпти. Кимдир касбига мос буюртма излаяпти. Яна биров ишлаб турган фаолиятини кенгайтириш учун маблағга муҳтож. Муаммо қаердалигини аниқ билмай туриб, унга тўғри ечим топиш қийин. Шу сабабли хонадонгача тушишнинг ўзи муҳим бошланиш нуқтаси бўлмоқда.

Мана шу ёндашувнинг амалий натижаларини “Агробанк”ка бириктирилган 21 туман ва шаҳарда қилинаётган ишлар мисолида кўриш мумкин. Бу ҳудудларда аҳолининг иқтисодий имкониятлари ўрганилиб, бандлик ва тадбиркорликка эҳтиёжлар аниқланмоқда. Лойиҳалар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Энг муҳими, жараённи рақамларда ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, сентябрда доимий иш ўринларига жойлаштириш бўйича белгиланган режа (9821 киши) амалда 19 минг 621 фуқаронинг бандлигини таъминлаш орқали 200 фоиз бажарилди. Энг муҳими, бу жараённинг самараси ишга жойлаштириш билан чекланмайди. Доимий иш ўрни инсоннинг даромадини барқарорлаштириш билан бирга касбий тажрибасини ошириш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш ва келгусида юқори даромад олиш имкониятларини кенгайтириш учун замин ҳозирлайди.

Аҳоли даромадини ошириш йўналишида ҳам режадан юқори натижа қайд этилди. Белгиланган 35 минг 937 нафарлик кўрсаткичга нисбатан 42 минг 833 фуқаронинг даромад манбалари яратилди. Бу 119 фоизлик натижани англатади. Режадан ташқари яна 6896 одамнинг иқтисодий фаоллиги таъминланган. Доимий иш, мунтазам буюртма, хизмат ёки ишлаб чиқаришдан тушадиган барқарор даромад эса хонадонга режа қилиш имконини беради.

Бу манбалар турли йўллар орқали шаклланмоқда. Инвестиция лойиҳалари ишга туширилмоқда, хизмат кўрсатиш нуқталари кўпаймоқда, қишлоқ хўжалиги ва қурилишда иш ҳажми ошмоқда. Ҳамма ҳудуднинг шароити бир хил эмас. Бир жойда сервисга талаб юқори бўлиши мумкин. Бошқа ҳудудда томорқачилик, чорвачилик ёки кичик ишлаб чиқариш кўпроқ даромад келтиради. Шунинг учун маҳаллада ишлашнинг кучли жиҳати ҳам шунда — умумий ёндашувдан кўра, жойнинг ўзига хос имкониятини кўриш осонлашади.

Аҳолининг қайси масалага муҳтожлиги “Долзарб тўрт ойлик” доирасида шаклантирилган 21 минг 564 буюртманомада ҳам яққол кўринади. Ҳозирга қадар 11 минг 374 таси бўйича натижа қайд этилган. Ҳар бир маҳалла кесимида бажарилмаган буюртманомалар, аҳоли бандлиги таъминланмаган ҳолатлар, имзоланмаган далолатномалар ҳамда режаси паст бажарилаётган маҳаллалар алоҳида назоратга олинган. Бу муаммоларни маҳалла ва хонадон даражасида аниқлаш ҳамда манзилли ҳал қилиш имконини бермоқда.

Тадбиркорликка қизиқиш эса Сайхунобод тажрибаси асосида шаклантирилаётган микролойиҳаларда намоён бўлмоқда. 2880 та лойиҳа режасига нисбатан 4259 та микролойиҳа шаклантирилди. Натижа — 148 фоиз. Бу режадан ташқари 1379 та ташаббус пайдо бўлганини англатади. Рақамнинг яна бир қизиқ жиҳати бор. Тадбиркорлик субъектлари бўйича 899 та режага нисбатан 1451 та лойиҳа шаклантирилди. Кўрсаткич 161 фоизга етди. Ўзини ўзи банд қилганлар йўналишида эса 1981 та режага нисбатан 2808 та лойиҳа шаклантирилди. Бу 142 фоиз натижа дегани.

Эътиборли жиҳат шундаки, одамларда ташаббус бор. Режадан кўп лойиҳа шаклангани шуни кўрсатади. Лекин ғоянинг ўзи бизнес дегани эмас. У ишга тушиши учун ускуна, хомашё, бозор, айланма маблағ ва билим керак. Демак, микролойиҳалар сонининг кўпайиши — биринчи босқич. Кейинги вазифа уларнинг қанчаси ишга туширилгани, қанчаси даромад келтираётгани ва қанчаси янги иш ўрни очаётганини кузатишдан иборат.

Бу ерда молиявий кўмакнинг ўрни катта. 2026 йил 2 октябрь ҳолатига кўра, микро, кичик ва ўрта бизнес йўналишида 7103 та лойиҳага 680,4 миллиард сўмлик кредит ажратилди. Тадбиркорлик дастурлари доирасида яна 5417 та лойиҳага 271,9 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Жами 952,3 миллиард сўмлик молиявий ресурс тадбиркорлик фаоллигига хизмат қилмоқда.

Иқтисодиётдаги катта рақамлар охир-оқибат одамлар ҳаётида ўз ифодасини топади. Миллиардлаб сўм маблағ, минглаб лойиҳалар ва иш ўринлари ортида ҳар бир хонадоннинг ўзгарган кундалик ҳаёти, ўз меҳнатига таяниб топаётган даромади ва эртанги кунга ишончи турибди. Бир оиладаги барқарор даромад маҳалладаги талабни оширади. Талаб янги хизмат ва буюртмаларни юзага келтиради. Улар эса бошқалар учун меҳнат ва даромад манбаига айланади.

Маҳалланинг иқтисодий салоҳияти имкониятларни ишга солиш орқали намоён бўлади. Томорқадаги ер, устахонадаги ҳунар, бўш турган бино, хизмат кўрсатиш имконияти ёки тадбиркорлик ғояси иқтисодий қиймат яратиш манбаига айланиши мумкин. Бир инсоннинг меҳнати иккинчиси учун буюртма, бир тадбиркорнинг ривожланиши эса бошқалар учун янги иш ўрни демакдир.

Бундай ўзгаришларнинг ҳақиқий самараси вақт ўтиши билан яққол кўринади. Бугун иш бошлаган устахона эртага ҳам буюртма олиши, тадбиркорнинг фаолиятини кенгайтириши, доимий ишга эга инсоннинг даромади ортиши иқтисодий барқарорликнинг амалий ифодасидир. Рақамлар ана шу жараённи қайд этади. Унинг мазмуни эса инсонлар ҳаётида намоён бўлади.

“Агробанк” АТБ томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг аҳамияти ҳам имкониятларни аниқлаш ва аниқ иқтисодий натижага йўналтиришда кўринади. Молиявий кўмак иш ўринлари очилишига, даромаднинг ошиши эса янги талаб ва ташаббуслар шаклланишига замин яратади. Ўз меҳнати билан қиймат яратаётган инсонлар кўпайган сари маҳалланинг иқтисодий имконияти кенгайиб, ҳудуднинг иқтисодий таянчи мустаҳкамланади. Зеро, эҳтиёжни ташаббусга, ташаббусни эса барқарор даромад ва фаровонликка айлантириш иқтисодий тараққиётнинг муҳим мезонидир.

Сардор ТОЛЛИБОЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

КЎЗГУ 5

2026 йил
30 октябрь, 225-сон

Кампусдаги муҳит талабанинг дунёқараши, мулоқот маданияти, жамоада ишлаш қобилияти ва ҳаётий позициясига таъсир кўрсатади. Шунинг учун университетимизда маънавий-маърифий тадбирлар таълим жараёнидан ажралмаган ҳолда унинг мантиқий давоми сифатида ташкил этилмоқда.

Нуқтаи назар



ТАЪЛИМ КАМПУСИ — ЗАМОНАВИЙ УНИВЕРСИТЕТ

Масъулият ва бунёдкорлик уйғунлиги

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21-22 октябрь кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи ҳудудни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ва истиқболли вазифаларни белгилаш нуқтаи назаридан муҳим сиёсий-ижтимоий воқеа бўлди. Зеро, ташриф давомида бунга асос бўлувчи кўплаб лойиҳаларга қўл урилди, келажак режалар белгилаб берилди.



Абдураҳмон ЁҚУБОВ,
Қарши давлат университети профессори

Бугунги глобаллашув ҳамда жадал технологик тараққиёт даврида олий таълим муассасаларининг жамиятдаги ўрни ва масъулияти тобора ортиб бормоқда. Замонавий университет фақат талабаларга назарий билим берадиган ёки мутахассислар тайёрлайдиган муассаса эмас. У илмий тафаккурни ривожлантирадиган, янги ғояларни юзага чиқарадиган, интеллектуал салоҳиятни шакллантирадиган, миллий қадриятлар ва умуминсоний тамойилларни уйғунлаштирадиган муҳим ижтимоий-маърифий марказдир. Шу нуқтаи назардан, таълим кампуси тушунчаси алоҳида мазмун ва аҳамият касб этади. Чунки кампус деганда фақат ўқув бинолари, маъруза заллари, лабораториялар ва талабалар турар жойларининг бир ҳудудда жойлашганини эмас, балки таълим олиш, илмий изланиш, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва шахс сифатида камол топиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган яхлит муҳитни тушуниш лозим.

Қарши давлат университети мисолида таълим кампуси аҳамиятини баҳолар экан-миз, аввало, Қашқадарё вилоятининг илмий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, ёшларнинг сифатли олий таълим олиш имкониятини кенгайтириш ҳамда ҳудуднинг интеллектуал тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш каби муҳим вазифаларни назарда тутиш керак.

Замонавий таълим тизимида кампусга бўлган ёндашув анъанавий ўқитиш усулларидан анча фарқ қилади. Анъанавий ёндашувда асосий эътибор ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўқув дастурларини бажаришга қаратилган бўлса, кампус моделида таълим жараёни талабанинг бутун ҳаёти билан узвий боғлиқ ҳолда ташкил этилади.

Бундай муҳитда аудиториядаги маъруза, кутубхонадаги мустақил мутолаа, лабораториядаги тажриба, илмий тўгаракдаги муҳокама, спорт майдонидаги машғулот ва маданий тадбирлардаги иштирок бир-бирини тўлдирувчи яхлит жараёнга айланади.

Таълим кампусининг самарадорлиги, энг аввало, унда яратилган имкониятларнинг талабалар эҳтиёжларига қай даражада мослиги билан белгиланади. Бунда қуйидаги йўналишлар муҳим аҳамиятга эга:

— замонавий талабаларга жавоб берадиган ўқув аудиториялари ва лабораториялар;

— электрон кутубхона, рақамли таълим ресурслари ва мустақил таълим олиш учун қулай муҳит;

— илмий тадқиқотлар қилиш, лойиҳалар ишлаб чиқиш ва инновацион ғояларни амалга ошириш имкониятлари;

— талабаларнинг жисмоний саломатлиги, маънавий камолоти ва ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлайдиган шароитлар;

— ногиронлиги бўлган шахслар учун тўсиқсиз муҳит, хавфсиз ҳаракатланиш ва тенг таълим имкониятлари;

— талабалар ва профессор-ўқитувчилар ўртасида очиқ мулоқот, ҳамкорлик ва ўзаро ҳурматни таъминлайдиган муносабатлар.

Демак, ҳақиқий таълим кампусини шунчаки замонавий архитектура ёки обод ҳудуд деб тушуниш нотўғри. Унинг асосий мезони инсон капиталига, таълим сифатига ва илмий натижаларга қўшадиган ҳиссасидир.

Қарши давлат университетининг таълим ва илмий фаолиятини ривожлантириш масаласига Қашқадарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ ҳолда қараш мақсадга мувофиқ. Чунки ҳудуднинг барқарор ривожи, аввало, малакали кадрлар, илмий асосланган бошқарув, замонавий технологиялар ва юксак билимга эга инсонларга боғлиқ. Университет кампусини ривожлантириш шу эҳтиёжларга жавоб берадиган муҳим йўналишлардан бири бўлиши мумкин. Бунда таълим жараёнини меҳнат бозори талаблари билан мувофиқлаштириш, иш берувчилар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, илмий ишланмаларни амалиётга жорий этиш ва талабалар касбий салоҳиятини эрта босқичдан ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Масалан, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик, педагогика, табиий ва аниқ фанлар, ахборот технологиялари ҳамда бошқа соҳалар бўйича таълим олаётган талабаларнинг ўз йўналишига мос амалий машғулотлар, илмий лойиҳалар ва касбий ҳамкорлик дастурларида иштирок этиши уларнинг назарий билимларини мустаҳкамлайди.

Замонавий мутахассис фақат ўз соҳасини билиши билан чекланиб қолмаслиги керак. У жамоада ишлаш, муаммоларни таҳлил қилиш, мустақил қарор чиқариш ва янги шароитларга мослашиш қобилиятига ҳам эга бўлиши керак.

Университетда таълим кампусини ривожлантиришга доир ҳар қандай ташаббуснинг асосий мақсади талабаларнинг шу сифатларини шакллантиришга қаратилган.

Ҳақиқий салоҳият фақат бинолар, аудиториялар ёки талабалар сони билан ўлчанмайди. Унинг самараси профессор-ўқитувчилар тадқиқотлари, яратилган илмий ишланмалар, халқаро ҳамкорлик, интеллектуал маҳсулотлар ва жамият муаммоларига таклиф этилаётган амалий ечимларда намоён бўлади. Шу сабабли таълим кампусида илм-фанни ривожлантириш учун қулай ва рағбатлантирувчи муҳит яратиш устувор вазифалардан биридир. Бундай муҳитда профессор-ўқитувчи янги билимлар яратувчи, ёш тадқиқотчиларни қўллаб-қувватловчи ва илм-фаннинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини намоён этувчи шахс сифатида қадрланади. Талаба эса тайёр маълумотларни ўзлаштиришдан ташқари савол қўядиган, далилларни таҳлил қиладиган, мустақил хулоса чиқарадиган ва илмий изланишга интиладиган фаол иштирокчига айланади. Ана шу мақсадда университетда илмий семинарлар, фан тўгараклари, ёш олимлар форумлари, стартап лойиҳалар, инновацион ғоялар танловлари ва илмий натижалар тақдимотлари тизимли ташкил этиб келинмоқда. Айниқса, бакалавриат босқичидан талабаларни илмий изланишларга жалб қилиш, курс ишлари ва битирув малакавий ишларини реал ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва технологик муаммолар билан боғлаш келгусида юқори малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилмоқда.



Кампусдаги кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари имкониятларини кенгайтириш, илмий маълумотлар базаларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, мустақил фикрлайдиган мутахассиснинг энг муҳим хусусиятларидан бири ишончли манбалар билан ишлаш, ахборотни танқидий баҳолаш ва далилларга таянган ҳолда хулоса чиқаришдир.

XXI асрда рақамли технологиялар таълим мазмуни ва шаклларини тубдан ўзгартирмоқда. Электрон кутубхоналар, виртуал лабораториялар, рақамли таълим платформалари, масофавий мулоқот воситалари ва сунъий интеллект технологиялари таълим олиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Шу боис, замонавий таълим кампуси рақамли инфратузилма билан ҳам узвий боғлиқ бўлиши керак.

Қарши давлат университетида рақамли таълим муҳитини ривожлантириш истиқболларини белгилашда электрон ўқув материалларини такомиллаштириш, талабаларнинг мустақил таълимини қўллаб-қувватлаш, профессор-ўқитувчиларнинг рақамли компетенцияларини ошириш ва таълим натижаларини холис баҳолашга хизмат қилувчи технологияларни қўллашга муҳим йўналишлар сифатида қаралади.

Сунъий интеллектдан фойдаланишда ҳам илмий ҳалоллик, муаллифлик ҳуқуқи, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этиш зарур. Шу маънода, замонавий кампус талабаларни нафақат рақамли воситалардан фойдаланишга, балки улардан онгли, масъулиятли ва самарали фойдаланишга ҳам ўргатиши керак.

Таълим кампуси аҳамиятини фақат ўқув ва илмий фаолият билан чеклаш мумкин эмас. Чунки олий таълимнинг бош мақсади касбий билимга эга мутахассис тайёрлаш билан бирга мустақил фикрлайдиган, юксак маънавиятли, ватанпарвар ва ижтимоий масъулиятни ҳис этадиган шахсни шакллантиришдир.

Кампусдаги муҳит талабанинг дунёқараши, мулоқот маданияти, жамоада ишлаш қобилияти ва ҳаётий позициясига таъсир кўрсатади. Шунинг учун университетимизда маънавий-маърифий тадбирлар таълим жараёнидан ажралмаган ҳолда унинг мантиқий давоми сифатида ташкил этилмоқда.

Китобхонлик маданиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Китоб инсонни фикрлаш, воқеа-ҳодисаларни чуқур англаш, ўз қарашларини асослаш ва бошқаларнинг фикрини ҳурмат қилишга ўргатади. Бунинг учун кампусда мутолаа учун қулай жойлар, китоб муҳокамалари, ижодий учрашувлар ва интеллектуал баҳслар ташкил этилиши ёшларнинг маънавий камолотига ижобий таъсир кўрсатяпти.

Энг муҳими, университетда ҳар бир талаба қобилиятини намоён этиши, ўзини қадрланган ҳис қилиши ва келажакка ишонч билан қараши учун шароит яратилмоқда.

Замонавий таълим кампуси қонунийлик, адолат, инсон қадр-қиммати ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган муҳит бўлиши керак.

Хавфсиз кампус фақат жисмоний хавфлардан ҳимояланган ҳудуд эмас. У, шунингдек, тазйиқ, зўравонлик, ҳақоратлаш, камситиш ва бошқа номақбул муносабатларнинг олдини олишга қаратилган ташкилий ва маърифий чоралар тизимини ҳам қамраб олади. Бунда талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мурожаат қилиш механизмлари ҳақида тушунча бериш, низоларни қонуний ҳал этиш маданиятини шакллантириш ва университет жамоасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш муҳимдир. Ҳуқуқий маданияти юксак бўлган таълим муҳитида талаба нафақат ҳуқуқларини билади, балки бошқаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳам ҳурмат қилишни ўрганади. Демак, ҳуқуқий маданият кампус ҳаётининг алоҳида тадбири эмас, балки унинг кундалик фаолиятида намоён бўладиган асосий қадриятлардан биридир.

Ҳар қандай таълим ислоҳотининг натижаси, аввало, инсон ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар билан ўлчанади. Шу нуқтаи назардан, таълим кампусини ривожлантиришда моддий-техник инфратузилма билан бир қаторда инсон капиталига сармоя киритишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Профессор-ўқитувчиларнинг касбий ривожланиши, илмий изланишлари учун имкониятлар яратилиши, меҳнати муносиб қадрланиши ва педагогик ташаббуслари қўллаб-қувватланиши таълим сифатини оширишнинг муҳим омилларидир.

Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож талабалар учун тенг имкониятлар яратиш, таълим олишдаги тўсиқларини камайтириш ва иқтидорли ёшларни рағбатлантириш ҳам муҳим вазифа. Кампусдаги шароит инсоннинг таълим олиш, қобилиятини ривожлантириш ва жамиятга фойда келтириш имкониятини кенгайтириши лозим. Ана шунда инфратузилмага киритилган сармоя узоқ муддатли ижтимоий самара беради.

Қарши давлат университетида таълим кампусини замонавий талаблар асосида ривожлантириш масаласига тизимли ёндашиб келинмоқда. Ёш олимлар ва иқтидорли талабалар ташаббусларини рағбатлантириш, илмий ишланмаларни амалиёт билан боғлаш механизмлари кенгайтирилмоқда.

Талабаларнинг мустақил таълим олиши, ижодий салоҳиятини намоён этиши ва касбий кўникмаларини шакллантириши учун қулай муҳит яратиляпти.

Кампусни бошқаришда шаффофлик, ресурслардан оқилона фойдаланиш, жамоатчилик фикрини инобатга олиш ва натижадорликни баҳолаш механизмлари кучайтирилмоқда.

Экологик маданиятни ривожлантириш, яшил ҳудудларни асраш, энергия ва сув ресурсларидан тежамкор фойдаланиш ҳамда чиқиндиларни оқилона бошқаришга қаратилган ташаббуслар фаол қўллаб-қувватланяпти. Халқаро ҳамкорлик кенгайтирилиб, хорижий университетлар билан академик алмашинув ва қўшма илмий лойиҳалар йўлга қўйилмоқда. Натижада профессор-ўқитувчиларнинг глобал таълим маконидаги иштироки анча кенгайди.

Кампусдаги ўзгаришларни баҳолашда фақат сарфланган маблағ ёки қурилган объектлар сонига эмас, таълим сифати, илмий натижалар, талабалар қониқиши, битирувчилар бандлиги ва яратилган имкониятлар самараси муҳим. Чунки замонавий кампус таълим, илм-фан, маънавият, ҳуқуқий маданият, рақамли тараққиёт ва ижтимоий масъулият уйғунлашган муҳитдир. Унинг мавқеи фақат ташқи кўриниши ёки моддий имкониятларидан ташқари шу муҳитда билимли, ташаббускор, мустақил фикрлайдиган ва жамият олдидаги масъулиятини англайдиган қанча ёш камол топиши билан белгиланади.

Университетда яратилган ҳар бир қулайлик, йўлга қўйилган ҳар бир илмий лойиҳа, қўллаб-қувватланган ҳар бир талаба ташаббуси ва устознинг меҳнати келажак тараққиётига қўшилган ҳиссадир. Шу боис, таълим кампусини ривожлантиришни фақат бугунги кун эҳтиёжларини қондириш билан чекламасдан, келгуси авлодлар учун муносиб интеллектуал ва маънавий муҳит яратиш вазифаси сифатида баҳолаш лозим.

Таълим кампусига сармоя — инсонга сармоя. Инсонга сармоя эса мамлакатнинг эртанги кунига қўйилган энг ишончли пойдевор. Ана шу ҳақиқатни англаган ҳолда, таълим, илм-фан ва бунёдкорлик йўлидаги ҳар бир саъй-ҳаракатни қадрлаш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш инсон камолоти ва янги Ўзбекистон тараққиёти учун муҳим асосдир.

Иқтидорли ёшлар

МУРОДЖОН ВА ГУЛИНУРНИ НЕГА ОЛҚИШЛАШ КЕРАК?

Яқинда Косон тумани ихтисослаштирилган мактабининг 11-синф ўқувчиси Муроджон Ҳалимов халқаро SAT имтиҳонида максимал — 1600 баллни қўлга киритди. Муроджонни олқишласак арзийди. Нега? Чунки 1600 — шунчаки рақам эмас, балки мустаҳкам билим, тинимсиз меҳнат, изчил тайёргарлик ва юксак мақсадлар сари интилишнинг ёрқин ифодасидир.



Кўпчиликда табиий савол туғилади: SAT ўзи қандай имтиҳон ва ёшларга нима беради?

Дунёдаги энг машҳур академик имтиҳонлардан бири SAT (SAT — инглизча Scholastic Assessment Test)ни ўзбек тилига “Ўқувчиларнинг академик билимларини баҳолаш тести” деб таржима қилиш мумкин. У АҚШ ва бошқа мамлакатлардаги кўплаб университетларга киришда қўлланиладиган стандартлаштирилган тест бўлиб, ёшларимизга халқаро олийгоҳларга грант ютиш имконини беради. Бу синовда ўқувчиларга жами 98 та савол берилади ва жавоблар учун 2 соату 14 дақиқа вақт ажратилади. Дастлабки саволларга қандай жавоб берилганига қараб, кейинги саволларнинг мураккаблик даражаси ўзгаради.

Халқаро ташкилотларнинг 2026 йилги маълумотларига кўра, SAT имтиҳони топширган мактаб битирувчиларининг ўртача натижаси 1045 баллни ташкил этади ва энг юқори натижа — 1600 балл. Ўзбек ёшлари орасида бу кўрсаткичга эришаётган йигит-қизлар борлиги, улар сафи аста-секин кенгайиб бораётгани қувонарли.

Тошкентдаги Вестминстер академик лицейи ўқувчиси Гулинур Қаршибоева ҳам SAT имтиҳонидан юқори натижани қўлга киритди. Унинг она тили, математика ва хорижий тил бўйича ҳам салмоқли ютуқлари бор.

— SATга тайёрлана бошлаётганимда, аввалига 1500 балл йиғсам бўлди, шу ҳам етарли натижа-ку деган фикрда эдим, — дейди Гулинур. — Лекин устозларим маслаҳатлари билан жиддийроқ тайёрланиб, иккинчи бор имтиҳонга кирдим. Ўшанда 1550 дан баланд, ҳаттоки 1600 ҳам олиш мумкин эканини тушунганман. Чунки биринчи гал кўп хатолар қилганман. Хатоларим устида ишласам, имтиҳон у қадар қийин кечмаслигини кейинги сафар чуқур ҳис қилдим.

Гулинур нафақат SAT имтиҳонидан, балки она тили ва адабиёт, математика фанидан миллий сертификатни олиш учун ҳам яхшигина балл тўплаган. Шунингдек, халқаро тил билиш даражасини аниқлаш тестидан C1 даражани қўлга киритган. Албатта, юқори натижанинг аҳамияти фақат битта ўқувчи муваффақияти билан чекланмайди. Бундай ютуқлар қаҳрамонимизнинг тенгдошлари учун ҳам намуна бўла олади.



Гулинурнинг бундай натижаларга эришишида оиладаги муҳит, устозлар меҳнати ва албатта, таълим жараёнидаги қўллаб-қувватлаш ҳам муҳим ўрин тутади.

Ютуқларимиз бор. Кейинги йили ҳам, албатта, 1600 лик марра қўлга киритилади. Шу кунларда чиққан натижаларга қараганда, ёшларнинг аксари 1500 дан юқори натижани қайд этган.



Айни пайтгача эришилган ютуқлар Гулинур учун якун эмас, янги марралар томон очилган эшикдир. Халқаро имтиҳондаги бундай натижа унинг хорижий университетларга ҳужжат топшириш имкониятларини янада кенгайтириши мумкин.

— Олдинда янги билимлар, янги муҳит ва янада катта мақсадлар турибди, — дейди Гулинур Қаршибоева. — Лицей ҳаётида, асосан, академик тадбирларда фаолман. Олимпиада, мусобақаларни ўтказиб юбормасликка ҳаракат қиламан. Келажакдаги мақсадим ТОП университетларга кириш. Хусусан, Германия олийгоҳларига ҳужжат топшириш ниятим бор. Чунки бу давлатда ҳам таълим тизими ҳавас қилса арзигулик даражада ривожланган. Янги технологиялар, янгича усуллар такомиллашган.

Айни пайтда қаҳрамонимиз сингари ТОП олийгоҳларга кириш учун тайёрланаётган ёшлар талайгина. Уларнинг бари игна билан қудуқ қазишдек машаққатли жараён — илм йўлини танлаган. Шундай экан, бу йўлда учрайдиган ҳар битта довондан ўтиб, мақсад сари яқинлашади. Биз эса бундай ёшларни ҳар томонлама қўллашдан фақат манфаат топамиз. Зеро, чуқур билимга эга, мустақил фикрлайдиган ва ўз олдига аниқ мақсад қўйган ёшлар эртанги куннинг малакали мутахассислари, олимлари ва етакчиларига айланиши мумкин.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мамлакатимиз етакчиси “Ўз” ғоясининг кино санъатидаги ифодасини “Ўзлигимизни англаб, ўз ҳикоямизни ўз овозимиз билан дунёга айтиш”, дея таърифлади. Экранда улуғ аждодларимиз билан бирга бугун ёнимизда яшаётган инсонларнинг ҳам ҳаққоний қиёфаси акс этиши кераклигини айтди.







ТАФАККУРНИ МИЛЛИЙ ҒУРУР ИЛА ЎЗГАРТИРУВЧИ МАФКУРАВИЙ ҚАЛҚОН

Дилдаги гаплар

Баъзан инсон бугунги ўзгаришларнинг қадрини англаш учун ўзи ҳар куни кириб-чиқадиган эшик олдида бир зум тўхтаб, кечаги кунни эслаши кифоя экан. Мен учун “Ўзбекфильм” шундай маскан. Бу даргоҳнинг аввалги аҳволини ҳам, қайта қад ростлаганини ҳам кўрдик. Шу ерда ишладик, фильмлар ҳақида ўйладик, ҳамкасбларимиз билан эртанги кундан умид қилдик. Шу боис, Президентимизнинг миллий кинога эътибори ҳақида гапирар эканман, аввало, ўз ҳаётимда, жамоамиз фаолиятида кечган ўзгаришларни ёдга олиш мантиқан тўғри бўлса керак.



Музаффархон ЭРКИНОВ,
кинорежиссёр

Жорий йил 26 октябрь куни давлатимиз раҳбарининг кино соҳаси вакиллари билан учрашуви ана шу хотираларни яна жонлантирди.

Мулоқотда кинонинг ютуқлари ҳам, камчиликлари ҳам очиқ айтилди. Менга, айниқса, соҳамизнинг ички муаммоларигача эътибор қаратилгани қаттиқ таъсир қилди. Президентимиз кинони яхши кўришини кўп бора ҳис қилганман. Бу гал эса унинг замирида санъатимизнинг тақдирига дахлдорлик, ижодкорнинг меҳнатини тушуниш ва ундан муносиб натижа кутиш борлигини яна бир карра англадим.

Яхши умид ва катта режалар билан 2006 йил апрелда “Ramz-film” киностудиясини ташкил этганмиз. Ўша вақтдан буён “Ўзбекфильм” биносида ижара асосида фаолият юритамиз. Демак, бу даргоҳдаги йигирма йиллик ҳаёт кўз ўнгимизда кечди. 2016 йилнинг охири — 2017 йил бошларидаги аҳволни эслаш осон эмас. Ўзбек киносининг қанча усталари изи қолган, халқимиз севган асарлар дунёга келган маскан анча аянчли ҳолга тушиб қолганди. Очиғини айтаман: баъзан хорижлик ҳамкасбларимизни бу ерга олиб келишга хижолат тортардик. Уларга кино мактабимиз ҳақида фахр билан гапирамиз-у, унинг уйини кўрсатишга келганда тилимиз қисиларди. Ҳатто ўзимизнинг танишлар билан ҳам учрашувларни бошқа жойларда белгилашга тўғри келарди.

2016 йили “Ўзбектелефильм”да “Саодат” сериалини суратга олган кезларимиз ҳам ёдимда. Медиамарказдаги иш шароитига ҳавас билан қарардим. “Ўзбекфильм”да ҳам шундай имкониятлар бўлса, қандай яхши бўларди деб ўйлардик. Биз учун бу ҳаваснинг замирида оддий истак — ўз касбимизга муносиб жойда ишлаш, бутун кучимизни ижодга сарфлаш орзуси бор эди.

Давлатимиз раҳбари 2016 йили Президент этиб сайланганидан кейин кино соҳасига эътибор яққол кўрина бошлади. 2017 йилдан “Ўзбекфильм”да қурилиш-таъмирлаш ишлари бошлангани, кейинчалик студиянинг қиёфаси ўзгарганини бевосита кузатдик. Бинолар капитал таъмирланди, янги иншоотлар ва замонавий кинопавильонлар эвазига ишлаб чиқариш имконияти кенгайди. Кечагина ҳавас қилган шароитимиз ўз иш жойимизда пайдо бўлаётганидан чин дилдан қувондик. Таъмирдан чиққан хоналарга кирганда одамнинг ишлагиси, янги фильмга қўл ургиси келарди. Ижодкор учун бундай руҳий кўтаринкиликнинг ҳам ўз ўрни бор.

Бу янгиланишнинг ҳуқуқий асослари ҳам изчиллик касб этган эди. Давлатимиз раҳбари 2017 йил 7 август куни “Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни, 2021 йил 7 апрелда эса “Кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонни имзолади. Ана шу икки ҳужжат соҳадаги ўзгаришларга кенг йўл очиб юборди. Кино ишлаш, техник имкониятлар, кадрлар тайёрлаш ва ижодни рағбатлантириш масалаларига бир-бирига боғлиқ масала сифатида қарала бошланди.

Кечаги учрашувда келтирилган рақамларнинг ўзи ҳам эътибор кўламини кўрсатиб турибди: 2016 йилда фильмлар олиш учун давлат бюджетидан 10 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2026 йилда бу маблағ 218 миллиард сўмга етди. Сўнгги ўн йилда соҳани қўллаб-қувватлашга доир иккита фармон ва саккизта қарор қабул қилингани қайд этилди. Мен режиссёр сифатида бу рақамлар ортида суратга олиш кунлари, тайёрланган декорациялар, иш билан банд бўлган ижодий гуруҳларни кўраман. Ахир ҳар бир фильм ўнлаб касб эгаларининг меҳнати билан ишланади.

Биз узоқ йиллар ана шу касб эгаларини йўқотиб бораётган эдик. Оператор, саҳналаштирувчи рассом, пардозчи рассом, либослар бўйича рассом, декоратор, реквизитор — уларнинг ҳар бири кинонинг зарур устуни. Тажрибали мутахассис соҳадан кетса, унинг ўрнини бир кунда тўлдириб бўлмайди. У билан бирга йиллар давомида шаклланган дид, синчковлик, иш усули ҳам кетади. Айниқса, тарихий фильмда битта либоснинг бичими ёки бир буюмнинг кўриниши бутун саҳнанинг ишонарлилигига таъсир қилади.

Ишлар кўпайиб, шароит яхшиланган сари тажрибали ҳамкасбларимиз яна суратга олиш майдонларига қайта бошлади. Уларнинг ёнида ёш, изланувчан, янги технологияларга қизиқадиган мутахассисларни кашф этдик. Устознинг тажрибаси билан ёшнинг ғайрати учрашган жойда ижодий муҳит пайдо бўлади. Албатта, кадрлар масаласи тўла ҳал бўлди деб айта олмаймиз. Лекин авлодлар ўртасидаги боғлиқликни тиклаш учун имконият кенгайганини ўз ишимизда кўряпмиз.

Кино ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантириш, иш ҳақи ва гонорар каби муҳим масалаларга эътибор кучайгани ҳам бор гап. Масалан, 2021 йил 7 апрелдаги фармон билан Миллий кинофонд ходимларига ойлик иш ҳақи фондининг 50 фоизи миқдорида устама белгиланган, фильмларнинг ижодий ва техник ходимлари гонорарини шартномалар асосида мустақил белгилаш имкони берилган эди. Мутахассис меҳнати қадрланаётганини ҳис қилса, шу касбда қолишга, уни ёшларга ўргатишга интилади. Бу масаланинг кино келажагига дахлдор жиҳати ҳам шунда.

Шу йил июнда қабул қилинган яна бир ҳужжат ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. Гап Президентимизнинг 2026 йил 2 июндаги “Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳақида кетяпти. Унда жорий йил 1 сентябрдан 2036 йил 1 январгача асосий фаолияти кинематография бўлган субъектларни қўшилган қиймат, фойда, айланмадан олинадиган, ер ва мол-мулк солиқларидан, уларда ишловчи ходимларни эса жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этиш назарда тутилган. Хусусий киностудия раҳбари сифатида бундай қўллаб-қувватловнинг аҳамиятини яхши биламан. Тежаладиган маблағ техника, тайёргарлик, мутахассис меҳнатига йўналтирилиши мумкин. Бу ижодий режаларни кенгроқ ўйлашга асос беради.



Бундай қарорлардан кейин “Президентимиз кино санъатини нақадар яхши кўради” деган фикр беихтиёр хаёлимдан ўтади. Чунки кинонинг иқтисодий жиҳатини тушуниш ҳам унга меҳрнинг бир ифодаси. Яхши ғоя экранга етиб бориши учун истеъдод билан бирга вақт, маблағ ва ишонч керак. Биз ана шу ишончни ҳис қилаётганимиздан мамнунмиз.

Сўнгги йилларда миллий кинода тарихий хотирага мурожаат кучайди. “Исломхўжа”, “Термизий”, “Ибрат”, “Авлоний”, “Саид билан Саида”, “Муҳаббат баҳори”, “Қўқон шамоли”, “Берлин — Оққўрғон”, “Муқимий”, “Илҳақ”, “Абдулла Орипов”, “Ўзбек қизи”, “Баҳодир Ялангтўш”, “Махтумқули Фироғий”, “Ўзбек арслони” каби фильмлар яратилди. Бу асарлар орқали тарихимизнинг турли даврлари, маърифатпарвар аждодларимиз, халқимизнинг синовли йиллардаги матонати экранда ўз ифодасини топди. Ҳар бирининг бадиий ечими ҳақида соатлаб мунозара юритиш мумкин. Муҳими, миллий тақдиримизга дахлдор катта мавзуларга жиддий киришиш имкони пайдо бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Тирик тарих” дастури бу йўналишдаги ишларни янада кенгайтирди. 2024 йил 5 июнда махсус қарор билан 2024-2027 йилларга мўлжалланган дастур тасдиқланди. Унинг доирасида 54 та кинолойиҳани амалга ошириш белгиланган. “Баҳодир Ялангтўш”, “Ажиниёз”, “Махтумқули Фироғий”, “Улуғ Амир ва Донна Мария”, “Ўзбек арслони” каби картиналарнинг томошабинга тақдим этилиши бу йўлдаги амалий натижалардир. Тарихий фильм учун бундай изчил дастурнинг аҳамияти катта: жиддий тадқиқот, пухта сценарий ва мураккаб тайёргарликни узоқроқ муддатга режалаштириш мумкин.

Мени мамнун этган яна бир жиҳат шуки, “Ramz-film” жамоаси ҳам бу ижодий жараёнга ҳисса қўшишга интилмоқда. Кейинги йилларда суратга олган фильмларимиз орасида “Авлоний”, “Абдулла Орипов”, “Махтумқули Фироғий” биз учун алоҳида қадрли. Улар турли даврларда яшаган, аммо халқнинг маънавий ҳаётида чуқур из қолдирган инсонлар ҳақида. Бу шахсларнинг ҳаётига кириб борганингиз сари зиммангиздаги масъулиятни кучлироқ ҳис қиласиз.

2019 йили ишланган “Авлоний” фильмида маърифатпарвар бобомизнинг қарашлари, халқ келажаги учун қайғуриши, Афғонистон сафари билан боғлиқ воқеаларга мурожаат қилдик. Абдулла Авлонийнинг фаолиятини ўрганиш биз учун ҳам сабоқ бўлди: маърифат йўлидаги меҳнатнинг натижаси баъзан инсон умридан ҳам узоққа етади. Кейинчалик ушбу мавзуни сериал шаклида давом эттирдик.

“Абдулла Орипов” фильмида эса буюк шоирнинг ижодий олами, Ватанга муҳаббати, инсон ва ижодкор сифатидаги кечинмаларини экранда ифодалашга интилдик. Бундай қаҳрамонни томошабинга яқинлаштириш учун қалбларга йўл топиш керак.

Ўзбекистон ва Туркманистон ҳамкорлигида ишланган “Махтумқули Фироғий” киноасари бизга яна бир муҳим ҳақиқатни чуқурроқ англатди: халқларнинг бир-бирини тушунишида санъатнинг имконияти беқиёс. Улуғ туркман шоирининг маънавий олами, эл-юрт тақдири ҳақидаги ўйлари ўзбек томошабини учун ҳам қадрли. Қўшма ижодий жараён ҳамкасблар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди, тажриба алмашишга йўл очади. Президентимиз қўллаб-қувватлаётган маданий ҳамкорликнинг самарасини биз мана шундай ишларда ҳис этамиз.

Бугун жамоамиз суратга олган “Ширoқ жасорати” фильми монтаж босқичида. Бу асарда юртни асраш, танланган йўлга содиқ қолиш, Ватан олдидаги бурч мавзуларига мурожаат қилдик. Қадимий қаҳрамон ҳақида фильм ишлашда унинг жасорати бугунги томошабин қалбига қандай етиб бориши ҳақида кўп ўйладик. Биз учун Ширoқнинг танлови, ички кучини ишонарли кўрсатиш муҳим. Томошабин улуғ жасорат ортида тирик инсоннинг қалби уриб турганини ҳис этсагина тарих унга яқинлашади.

Тарихий фильм ижодкордан алоҳида ҳалоллик талаб қилади. Либос ва қуролярoғни тиклашнинг ўзи етарли эмас. Даврга хос фикрлаш тарзи, одамлар ўртасидаги муносабатлар, қаҳрамоннинг танловини англаш лозим. Шунинг учун тарихчи, адабиётшунос, рассом, сценарист ва режиссёрнинг ҳамкорлиги жуда зарур. Давлат бераётган имконият бизни бу талабларни енгиллаштириш эмас, ўз ишимизга янада жиддий ёндашишга ундайди.

26 октябрдаги учрашувда Президентимиз айтган танқидий фикрларни ҳам ана шу маънода қабул қилдим. Томошабиннинг диди ва талаби ўзгаргани, миллий фильмларимиз бу талабга ҳамиша ҳам жавоб бера олмаётгани ҳақидаги гаплар ҳар биримизга тегишли. Биз бугун турли мамлакатларда суратга олинган киноасарларни кўраётган томошабин учун ишлаяпмиз. Унинг вақти ва ишончини қадрлашимиз керак. “Миллий фильм” деган жумланинг ўзи билан одамларни залда ушлаб туролмаймиз. Қаҳрамоннинг тақдири қизиқтириши, воқеа ишонтириши, экрандаги туйғу томошабинга юқиши лозим.

Мен учун учрашувдаги муҳим масалалардан яна бири сценарий ва ижодий жараёнга муносабат бўлди. Фильм устида ишлаётганда янги ечимлар туғилади. Баъзан актёр топган бир ҳолат бутун саҳнанинг мазмунини теранлаштиради. Шундай жараённи фақат олдиндан тузилган техник қолип билан ўлчаш қийин. Давлат буюртмаси амалиётидан субсидия асосида қўллаб-қувватлаш тизимига ўтиш, давлатнинг ижодкор ва хусусий секторга ҳамкор бўлиши ҳақида билдирилган ёндашувни шу жиҳатдан муҳим деб биламан. Ижодий эркинлик билан бирга маблағ ва натижа олдидаги масъулият ҳам аниқ бўлиши керак.

“Ўзбекфильм” миллий кинокомпанияси лойиҳаларни танлаш, молиялаштириш, тарғиб қилиш ва тарқатиш билан шуғулланиши, фильм яратиш эса хусусий секторга ўтиши белгиланган бизга бевосита дахлдор. Йигирма йилдан буён хусусий студияни бошқариб келаётган инсон сифатида истеъдод ва яхши лойиҳа учун тенг имконият бўлишини жуда муҳим деб биламан. Танловнинг шаффофлиги, сценарийнинг пухта баҳоланиши, ижодий жамоанинг салоҳиятига холис қаралиши бу тизимнинг натижасини белгилайди.

Фильмнинг томошабинга етиб бориши ҳам алоҳида меҳнат. Суратга олиш жараёни тугагани билан кинонинг тақдири ҳал бўлиб қолмайди. Намойиш, тарғибот, кинотеатрлар билан ҳамкорлик ва халқаро бозорга чиқиш ишлари профессионал ташкил этилса, ижодкор ўз асарининг ҳаётини кўради. Учрашувда айнан шу масалалар кўтарилгани қувонарли. Холис кинотанқидчиликка эътибор ҳам зарур: яхши таҳлил баъзан ўзимиз сезмаган нуқсонни кўрсатади. Уни эшитишга тайёр бўлишимиз керак.

Мамлакатимиз етакчиси “Ўз” ғоясининг кино санъатидаги ифодасини “Ўзлигимизни англаб, ўз ҳикоямизни ўз овозимиз билан дунёга айтиш”, дея таърифлади. Экранда улуғ аждодларимиз билан бирга бугун ёнимизда яшаётган инсонларнинг ҳам ҳаққоний қиёфаси акс этиши кераклигини айтди. Ўқитувчилар, шифокорлар, спортчилар, Ватан ҳимоячилари, тадбиркорлар, қурувчилар ва ёшларнинг ҳаёти таъсирли фильмлар учун катта мавзу экани қайд этилди.

“Фарзандларимиз шундай қаҳрамонларда ўзини кўрсин, ўз кучига ишонсин, ўз юртининг келажагига дахлдорлигини ҳис этсин!” деди давлатимиз раҳбари. Масалага бундай жонфидойилик билан ёндашувда уфуриб турган Янги Ўзбекистон нафаси, “ўзлигимизни англаб, ўз ҳикоямизни ўз овозимиз билан дунёга айтиш” ғояси жараёнларга ўзини дахлдор билган қайси ижодкорни тўлқинлантирмайди дейсиз?!

Бу фикрларни мен дилимга яқин олдим. Бугунги ўқитувчи, шифокор, аскар, тадбиркор, ўз йўлини излаётган ёшнинг ҳаётида қанча драматик воқеа, қанча ички кураш бор. Уларни чуқур ўрганиш, самимий тасвирлаш лозим. Кино қаҳрамони томошабиннинг ёнида яшаётган инсонга ўхшаса, унинг орзуси ва ташвиши ишонарли бўлса, фильмдан кейин ҳам суҳбат давом этади. Санъатнинг таъсири кўпинча ана шундай бошланади.

Учрашувда кино ходимларининг дам олиши ва саломатлигига ҳам эътибор қаратилди. “Кўҳинур” сиҳатгоҳининг ижодкорлар ихтиёрига берилиши, ҳар йили камида 300 нафар соҳа ходимига бепул соғломлаштириш йўлланмаси ажратилиши ҳақидаги ташаббуслар — меҳнати кўпинча кадр ортида қоладиган инсонларга ғамхўрликдир. Суратга олиш майдонидаги машаққатни билган одам бу эътиборнинг қадрини ҳам тушунади.

“Ўзбекфильм”га кириб келар эканман, бир пайтлар шу бино ҳам замонавий, обод бўлса деб, ҳавас қилган кунларимни эслайман. Ўша орзуларнинг амалга ошганини кўриш — катта бахт. “Ўзбекфильм”нинг 10 гектарли майдонида “Ўзбекфильм кино шаҳарчаси” барпо этилиши ва унга 400 миллиард сўм ажратилганини кино санъати келажагига қўйилган пойдевор деб биламан. Шаҳарчада энди амалиётчи ижодкорлар ва талабаларга майдон очишимиз, уларни ҳақиқий иш жараёнига жалб этишимиз керак. Кинони китобдан ўрганиш билан бирга суратга олиш майдонида унинг масъулиятини ҳис қилиш ҳам зарур. Энди бу масканда яратилаётган фильмларни ҳам халқимиз худди шундай мамнуният билан қарши олиши учун ишлашимиз даркор.

Бугун Президентимизга миллий кинога кўрсатаётган меҳри, соҳамизга берган имкониятлари ва ижодкорга билдираётган ишончи учун барча киноижодкорлар жамоаси номидан самимий миннатдорлик билдиргим келди. Бу миннатдорликни ҳар бир ишимизда ҳис этиб туришимиз лозим. Зеро, бизга билдирилган ишончга энг муносиб жавоб — халқимизга инсон қалбида қоладиган яхши фильмлар тақдим этишдир.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
29213 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов
Мусаҳҳиҳ: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎзА якуни — 02:54 Топширилди — 04:00